

«Инсон бор экан,
хотира ва тарих
мангудир»

Ислом КАРИМОВ.



Ўзбекистон болалари
билимли, бахтли-
саодатли бўлишсин

ГИЁХВАНДЛИККА ҚАРШИ
КУРАШ - БАРЧАНИНГ ИШИ



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!



ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри

2006 йил 20 май, шанба

20 (3654)-сон

Бугунги кун эр-
тага тарих, кел-
ажак учун эса
ўтмиш бўлади.
Эртанги кунга
умид билан бо-
қиш учун ўтган
кунларни эслаб,
воқеа-ҳодисалар,
одамлар ва улар-
нинг қилган ишларидан
бохабар бўлиб туриш
лозим. Инсонлар му-
зейни ана шу
мақсадда ўйлаб
топган бўлсалар
ажаб эмас. Ўзбе-
кистон Республикаси
Ички ишлар
вазирлигининг
Шон-шўҳрат ва
жанговар тарихи
музейи ҳам ти-
зимнинг ўтган аср
бошларидан
ҳозирги кунгача
бўлган ҳаётини
акс эттиради.


(Давоми 20-бетда)



**Музей
Мозийдан
Сўзлар**



POSTDA.TV



МУНАЖЖИМЛАР
БАШОРАТИ
Келгуси ҳафта учун

ДИҚҚАТ, ТЕМИР ЙЎЛ КЕСИШМАСИ!

Темир йўллар мамлакат иқтисодиётининг қон томири ҳисобланади. Бу бежиз эмас. Чиндан ҳам ўзининг юқори хавфсизлиги билан ажралиб турувчи темир йўлларнинг йўловчиларни ва халқ хўжалиги юкларини ташишдаги аҳамияти беқиёсдир. Айнан шу сабабли ҳам ҳозирги кунда замонавий поездлар ҳаракатланадиган темир йўллардан фойдаланиш кўрсаткичлари йилдан-йилга жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда.

Ўз навбатида Ички ишлар вазирлиги, хусусан, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компанияси мутахассислари билан ҳамкорликда темир йўлларнинг автомобиль йўллари билан кесишган жойларида содир этилиши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қатор амалий тадбирлар ўтказишмоқда. Темир йўлларнинг мазкур қисмларидан фойдаланадиган ҳаракат иштирокчиларини ҳушёрликка чақириб, улар ўртасида кенг қамровли тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилаёпти.

Ҳамма биландики, поездлар бир неча ўнлаб вагонларни торттиб боради. Уларни зарурат туғилганда қисқа масофаларда тўхтагиб қолиш имконияти ниҳоятда чекланган. Бу эса «Йўл ҳаракати қоидалари»да белгилаб қўйилганидек, темир йўл кесишмаларидан ўтишда барча йўл ҳаракати иштирокчиларининг ниҳоятда эҳтиёткор бўлишларини талаб этади.

Мазкур талабларнинг тўлақонли бажарилмаслиги темир йўл кесишмаларида транспорт воситаларининг поездлар билан тўқнашувларига, аксарият ҳолларда оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилишига сабаб бўлиши мумкин.

Бундай ҳодисалар транспорт воситалари ва поездларнинг техник носоз ҳамда ташилаётган юкларнинг яроқсиз ҳолга келишига, бу эса ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодиётига катта миқдорда моддий зарар етказилишига, инсонларни ҳаётдан бевақт кўз юмиб, оила-ларга маънавий зарар етишига олиб келади. Келинг, шу ўринда темир йўл кесишмалари билан боғлиқ бир неча йўл-транспорт ҳодисалари ҳақида фикр юритсак.

2005 йилнинг 7 декабрида «Дамас» русумли автомобиль ҳайдовчиси И. Эргашев «Пистали-Қарши» йўналиши бўйича ҳаракатланиб, «Самарқанд-Қашқадарё» темир йўл йўналишининг қўриқланмайдиган темир йўл кесишмасидан ўтаётганида эҳтиётсизликка йўл қўяди. Натижада «Самарқанд-Қашқадарё» йўналишида ҳаракатланаётган юк поезде билан тўқнашади. Бунинг оқибатида 3 нафар фуқаро воқеа жойида ҳаётдан кўз юмади. «Дамас» автомобилида бўлган яна 4 нафар фуқаро оғир даражадаги тан жароҳатлари олишади. Ушбу фалокат сабабларини чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, унинг ортида эътиборсизлик, бепарволик, қонун-қоидаларни менсимаслик каби иллатлар етганлигига амин бўламиз.

Агар эътибор берган бўлсан-

гиз, аксарият ҳайдовчилар темир йўл кесишмаларидан ўтаётган вақтда ён-атрофга қарашиб, йўл-патруль хизмати инспекторларини қидиришади. У йўқ бўлса, қондани бузиб кесишмадан ўтиб кетишади. Гўёки «Йўл ҳаракати қоидалари»га фақатгина ИПХ инспекторлари борлигида риоя қилиш керакдек. Лекин улар «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг ҳар бир банди, унинг ҳар бир талаби айнан ўша ҳайдовчиларнинг хавфсизликлари учун хизмат қилишини унутиб қўйишади. Оқибатда эса... оқибати маълум. У бирор-бир кўнгилсизликни, тузатиб бўлмас фалокатларни келтириб чиқаради. Яна бир мулоҳаза. Маълумки, кўп ҳолларда ҳайдовчилар ўз транспорт воситасида оила аъзолари, айниқса, сеvimли фарзандларини олиб юришади. Фарзандлари кўз ўнгида қоидалар талабларини бузишади. Шу болалар улғайганида эса худди ўша қоидабузарликлар қайта такрорланиши амалиётда кўп кузатилган.

Ҳар йили мунтазам равишда республикамиз ҳудудида темир йўл кесишмаларидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг ва кўпол қоидабузарликларнинг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Диққат, темир йўл кесишмаси!» тадбири ўтказиб келинмоқда. Бу йил ҳам республика ИИБ ЙХХ Бош бошқармасининг ташаббуси билан 1-30 май кунлари бутун мамлакат бўйлаб «Диққат, темир йўл кесишмаси!» тадбири ўтказилмоқда.

Ушбу тадбирни самарали ўтказиш мақсадида ҳозирги кунда ДЙХХХ ходимлари, қишлоқ хўжалиги, автомобиль ва йўл-коммунал хўжаликлари, темир йўл бўлиналари мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ишчи гуруҳлар тузилиб, махсус рейдлар амалга оширилмоқда.

Тадбир давомида ҳозиргача 1630 тадан ортиқ темир йўл кесишмаларидан ўтишда йўл қўйилган кўпол қоидабузарлик аниқланди. Уларнинг аксарияти Самарқанд, Навоий, Бухоро, Тошкент ва Жиззах вилоятлари ҳудудида содир этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир темир йўл кесишмасига ҳудудий ички ишлар идоралари бошлиқларининг буйруқла-

гача тарбия муассасаларида эса учрашув ва суҳбатлар ўтказиб борилмоқда.

Тадбир давомида республика ҳудудидаги барча қўриқланадиган ва қўриқланмайдиган темир йўл кесишмалари, уларнинг жиҳозланиши қайта қўриқдан ўтказилмоқда. Аниқланган камчиликларни барта-раф этиш юзасидан жойлардаги ҳокимликларга ва тегишли ташкилотларга тақдимномалар киритиб борилаёпти.

Ўтказилаётган тадбир давомида киритилган тақдимномалар талабларининг тегишли ташкилотлар томонидан бекам муқом бажарилиши, фуқароларимиз томонидан профилактик тадбирлардан тегишли хулосалар чиқариши ўзининг ижобий самарасини беради, албатта.

«Диққат, темир йўл кесишмаси!» ойлигининг ўтказилиши ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда «пўлат излар» билан боғлиқ барча муаммоларни узил-кесил ҳал қилади, деган маънони билдирмайди. Чунки бир кишининг ўлими билан якун топган мудҳиш воқеа,

қолаверса, рейдлар давомида аниқланган қоидабузарликлар ҳамда бошқа камчиликлар ҳаммамизни ҳушёрликка ва огоҳликка чорлаши лозим.

Шу муносабат билан фуқароларимизга мурожаат қиламизки, темир йўл кесишмаларидан ўтишда барча хавфсизлик талабларига қатъий риоя қилинг. Ана шунда йўлингиз равон, ҳаётингиз фаровон бўлишига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

Шерзод НОСИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
ЙХХББ катта инспектори, майор.



ри асосида ЙХХБ йўл-патруль хизмати ходимлари бириктирилади. Улар автомобиль ҳайдовчиларининг қоидабузарликларини аниқлаш бўйича мунтазам назорат ишлари олиб боришади.

Темир йўл кесишмаларидан ўтишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга оид варақалар, эслатма ва мурожаатномалар тайёрланиб, корхона ва ташкилотларга тарқатилди. Маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида ва ўқув даргоҳларида, мактаб-

ШУНДАЙ ИНСОНЛАР БОР БЎЛСИН

БАРАКАЛЛА, МАЪМУРЖОН!

Поп тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинимаси ходими, катта сержант Маъмуржон Рустамов сафдошлари орасида катта ҳурмат-эътибор қозонган. Бундай эътирофга у Ватан ва халқ олдидаги масъулиятни чуқур англагани, ҳар вақт, ҳамма жойда ҳушёрликни кўздан бермагани туфайли эришган. Кунларнинг бирида, аниқроғи, шу йил 13 март кунинда Шимолий Фарғона канали ёқалаб бораётган Маъмуржоннинг кўзи сув юзида гоҳ кўриниб-гоҳ кўринмай оқиб кетаётган одамга тушди. Ҳеч иккиланмай ўзини сувга олди. Деярли ҳушини йўқотган йигитни қирғоққа олиб чиқиб, биринчи ёрдам кўрсатди.

Маълум бўлишича, ўсмир Хусанбой Холбоев бўлиб, эҳтиётсизлик оқибатида сувга йиқилиб тушган, боши ёрилиб, анча қон йўқотган экан. Бир ҳафта шифохонада даволанган Хусанбой яна оила аъзолари даврасига қайтди. Дадаси Анваржон, онаси Давлатхонлар сеvimч ешларини тўхтата олмай, ўғиллари ҳаётини сақлаб қолган Маъмуржон Рустамов ва унга кўмаклашган фуқаро Акмалжон Раимовларга миннатдорчилик билдирдилар.

– Мен ўз бурчимни бажардим, холос, – дейди катта сержант М. Рустамов. – Ўринида бошқа бирор ходим бўлганда ҳам шу ишни қиларди. Халқимиз тинчлигини кўз қорачиғидек асраш, ўзгаларга ёрдам қўлини чўзиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи-ку!

Камтарлик – инсоннинг энг гўзал фазилати. Ҳа, Маъмуржоннинг саъй-ҳаракати билан бир инсон ҳаёти сақлаб қолинди. Воқеа ҳақида билган ва эшитганлар чин юракдан «Ота-онасига минг раҳмат! Баракалла, Маъмуржон!» дея дуо қилишмоқда.

Маъмуржон АРСЛОНОВ,
катта лейтенант.

НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ

ЗЎРАВОН АЁЛ

Наманган вилояти Чуст туманида яшовчи мактаб ўқувчиси М. Юсуповани уйи олдида бир нотаниш аёл кўрқитиш йўли билан қуллоғидаги зирагини ечиб олиб, гойиб бўлади. Туман ИИБ ходимлари талончини тезда аниқлаб ушладилар. 1973 йилда туғилган бу зўравон А. Ҳилола бўлиб, ҳозирда унга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

БОСҚИНЧИ

Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги Сарчашма қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтувчи ариқ ёқасидан «ВАЗ – 21063» русумли автомобилни, ундан сал нарида эса ушбу машина эгаси 1981 йилда туғилган Б. Эгамназаровнинг жасади топилди. Тезкор ходимларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ушбу қотилликни босқинчилик мақсадида содир этган 20 ёшдаги Я. Икром аниқланиб, қўлга олинди.

ЙИГИТ БОШИ ЭГИЛДИ

Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида яшовчи Р. Очилова туман ИИБга мурожаат қилиб, 20 бош қўйини ўғирлаб кетилганини маълум қилди. Ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган қидирув ишлари натижасида ушбу ўғирликни содир этган шахс ушланди. У эндигина 18 ёшни қаршилаган Н. Равшан бўлиб чиқди.

ҚИНҒИР ИШ – КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Фарғона вилоятидаги Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводининг ҳайдовчиси Э. Раҳимов ўзига бириктирилган «ЗИЛ-130» русумли сув ташини ва сенишга мўлжалланган автомобилни сизимига бекин тўддириб қўйгани, шу корхона ҳайдовчиси Д. Ҳамролиев билан бирга унинг укаси М. Ҳамролиевнинг уйига боришади. Улар

эндигина цистерна жўмрагини очиб бензин олишаётганда ўт олиб турган автомашини глушителдан чиққан учқундан ёнган содир бўлади. Натижада автомашини ёниб, беш хонали иморатнинг бир қисми, уй жиҳозлари куйиб кетди. Ака-ука Ҳамролиев ва уларнинг қўшини М. Холматовлар қўйини жароҳати билан касалхонага ётқизилди.

ҚОТИЛЛИК

Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманидаги «Металлург» дала ҳовлисида Чирчиқ шаҳрида яшовчи 68 ёшли Р. Истоминанинг танқис кўринишдан жароҳатсиз жасади топилди. Текширув жараёнида уни бўғиб ўлдирилгани маълум бўлди. Тезкор қидирув ишлари натижасида эса қотил топилди. Қибрай туманида яшовчи К. Андрей ўзаро жанжал сабабли қаринини ўлдирган экан.

Исмомил МИНАВАРОВ,
майор.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

ИНСТИТУТЛАРИ ВА ДЕМОКРАТИЯ



Фуқаролик жамияти ва демократия тушунчалари ўртасидаги узвий алоқадорлик муҳим аҳамиятга эга. Зеро, демократик ҳуқуқий давлатни кучли фуқаролик жамияти институтларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис, мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидаёқ демократик янгилаш, эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўли танлаб олинди. Мамлакатимиз Президентини И. А. Каримов уқтирганидек, бу йўлни ҳар ким ўзига хос йўсунда босиб ўтади. Ўзбекистон демократиянинг фундаментал тамойилларига асосланган, уларга қатъий риоя этган ҳолда, айти пайтда ўз ҳаракатларини халқимизнинг тафаккури, неча минг йиллик турмуш тарзи билан мувофиқ равишда олиб бормоқда.

Шу ерда савол туғилади: фуқаролик жамияти институтлари нима ва улар жумласига қандай ташкилотлар қиради?

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролик жамиятининг нафақат асосини ташкил этадиган, балки мазмун-моҳиятини ҳам белгилаб берадиган асосий институтлардир. Фуқаролик жамияти институтлари мақсад ва вазифаларининг асосий йўналиши мамлакатимизда демократик қадриятлар ва тамойиллар, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, кишиларнинг қонуний манфаатлари ҳимояси алоҳида устувор аҳамият касб этиши шарт. Бизнинг фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришдан мақсадимиз, аввало, кишиларнинг онгига демократик қадриятларни ва кўникмаларни изчиллик билан сингдириб боришдир.

Бунинг замирида ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган юксак маънавиятли шахс шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлар мужассамдир.

Фуқаролик институтлари мустақил ва эркин оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда жамоатчилик фикри ва ижтимоий дунёқарашни ифода этиш билан чекланиб қолмай, айти чоғда уларни шакллантиришга ҳам хизмат қилиши тақозо этилади. Кишиларимиз онги ва тафаккурига демократик кўникма ва қадриятларни чуқур сингдириб бормоқ лозим. Зеро, демократия четдан олиб келинмайди, у импорт қилинмайди. Демократияни ташқаридан кимлардир тиқштириши ҳам мумкин эмас.

Юртимизда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболлари ҳусу-

сида ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболлари давлатимиз раҳбарининг нуқт ва маърузаларида ҳамда «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури»да аниқ белгилаб берилган. Бугунги кунда ушбу Дастур режалари изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Бундан кўзланган мақсад — мамлакат ижтимоий ҳаётини ва давлат қурилишини демократлаштиришда фуқаролик жамияти институтлари ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашдан иборат. Чунки фақат эркин, молиявий жиҳатдан мустақил фуқаролик жамияти институтларига ўз олдига турган вазифаларни тўлақонли адо эта оладилар.

Албатта, бунда уларнинг давлат органлари томонидан қўллаб-қувватланиши, умуман, давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг кенг йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Шу маънода, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан ҳар бири инсон ҳуқуқлари бўйича тегишли миллий демократик институтларига эга.

Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси вакили (Омбудсман) қонун чиқарувчи ҳокимияти, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ижро этувчи ҳокимият, Ўзбекистон Судьялар уюшмаси, Ўзбекистон Адвокатлар уюшмаси каби тузилмалар эса

суд ҳокимияти тизимидаги демократик институтларга мисол бўла олади.

Ушбу демократик институтлар ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлиб, жорий фаолиятида наинки давлат ташкилотлари, айти чоғда ранг-баранг ва кўпнинг сонли фуқаролик институтлари билан самарали

ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйган.

Бошқача айтганда, фуқаролик институтлари, аввало, аҳолининг ижтимоий фаоллигини оширишда, миллий ўзликни англашда, жамият аъзоларининг сиёсий маданияти ва маънавий дунёқарашини юксалтиришда кўмаклашмоғи зарур. Улар кишиларимиз ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигини ҳис этиб яшашида, мустақил фикр-мушоҳада юритишида, ўз салоҳияти ва қобилиятидан самарали фойдаланишида, бир сўз билан айтганда, буюк келажакни барпо этишга қаратилган барча саъй-ҳаракатларида ҳамюртларимизга камарбаста бўлмоғи даркор.

Фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири — нодавлат нотижорат ташкилотларнинг аҳамияти тобора ортиб бораётир. Истиқлол йилларида мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг зарур ҳуқуқий асослари яратилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги беш мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилот фаолият қўрсатмоқда.

Бу ташкилотларнинг 485 таси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар адлия бошқармалари то-

монидан 4814 маҳаллий жамоат бирлашмаси рўйхатга олинган.

Дунё демократик тараққиёт тажрибаси нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш фуқаролик жамияти қурилишининг муайян омилларидан эканини кўрсатмоқда. Шу маънода, Ўзбекистонда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи ана шу ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини оширишга катта эътибор қаратилаётир. Аслида ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлар адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда, демократик қадриятларни қарор топтиришда, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда, умуман, мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этишда муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати кўшма мажлисидаги дастурий маърузасида таъкидлаганидек, «Одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда бу таш-

килотларнинг ўрни ва аҳамияти беқийсдир».

Жамият демократик тараққиётга нодавлат нотижорат ташкилотларнинг таъсири ушбу ташкилотларнинг давлат ҳокимияти ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатларида боғлиқ эканини унутмаслик керак. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг асосий муаммоларидан бири бу давлат ва ноҳукумат ташкилотлар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик муносабатларининг етарли даражада эмаслигидир. Яна бир муаммо молиявий маблағлар етишмовчилигига бориб тақалади.

Айтмоқчимизки, ушбу муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши нодавлат нотижорат ташкилотларни янада ривожлантириш учун кенг йўл очади.

Кейинги даврда бир қатор амалий ишлар қилинди. Аввало, икки янги тузилма — Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилгани бу фикримизни яққол тасдиқлайди.

Фуқаролик жамиятининг ноёб ва бетакрор миллий институти бўлмиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жумладан, маҳаллалар фақат бизнинг халқимиз

турмуш тарзида, жамиятимиз ҳаётигагина хос миллий демократия мактабидир. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида маҳаллалар, фуқаролар йиғинларининг нафақат обрў-эътибори, айти чоғда ваколатлари ва масъулиятлари кўлами ҳам изчил ортиб бормоқда. Ўз галида, ушбу тузилмаларнинг ва умуман, фуқаролик жамияти институтларининг халқ орасида обрў-эътибори ортиб, мавқеи мустаҳкамлангани сари улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширадиган асосий воситага айлиниб борди.

Кези келганда, миллий қонунчилигимизда биргина фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 18 та йўналишда жамоатчилик назоратини амалга ошириш имкониятлари кўзда тутилганини эслатиб ўтиш ўринлидир. Аммо ҳозирча ана шу қонуний жамоатчилик назорати имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмапти.

Маълумки, ҳозир маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари раис (оқсоқол)лари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари бўлиб ўтапти. Конституцияимизнинг 105-моддасида мустаҳкамланганидек, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатта

раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ушбу сайловлар илк бор 2004 йил апрелидаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги янги Қонун асосида ўтмоқда.

Жорий йилда ўтаётган сайловларда, аввало, ана шу қонун талабларига қатъий ва изчил амал қилиш керак бўлади. Бундан ташқари, сайловларга ташкилий нуқтаи назардан ҳам пухта тайёргарлик

қўрилди. Бу сайловлар давлат ва жамият ҳаётида улкан аҳамиятга эга воқеа ҳисобланади. Сабаби маҳалла оқсоқоллари сайлови ўз кўлами ва даражасига кўра тенги йўқ сайловлардир. Масалан, ўтган сайловларда 10 мингдан ортиқ оқсоқол ва уларнинг 80 минг нафар маслаҳатчилари сайланган эди.

Истиқлол йилларида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилгани катта аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, жамоат жамғармалари, касба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги каби бир қатор қонунлар қабул қилинди. Оммавий ахборот воситалари, журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш, ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонунларнинг кучга кириши катта ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди.

Ҳозирги кунда нодавлат нотижорат ташкилотларга доир қонунчилик муайян тизимни ташкил этади. Жумладан, 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунда айрим нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг қонуний асослари яратилган. Шундан сўнг 1992-2004 йиллар мобайнида бу соҳада нодавлат ташкилотларнинг турли ташкилий ҳуқуқий шакллари оид ўндан ортиқ қонун қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси (1996 йилда қабул қилинган), «Касба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» (1992), «Сиёсий партиялар тўғрисида» (1996), «Диний ташкилотлар ва виждон эркинлиги тўғрисида» (1998), «Уй жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида» (1999), «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида» (1999), «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» (1999), «Жамоат

фондлари тўғрисида» (2003), «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида» (2004), «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги (2004) қонунлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича муайян иш-

лар амалга оширилди. 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунда нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш тартиби, рўйхатдан ўтказиш ва фаолияти турлари масалаларига асосий эътибор қаратилган бўлса, янги қонун ана шу ташкилотлар фаолиятининг кафолатларига бағишланади.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда миллий қонунчиликка, хорижий тажрибага, мавжуд халқаро андозаларга таянилди. Ушбу йўналишдаги қонун деярли бирорта давлатда учрамастлигини ҳам қайд этиш лозим. Буни ақсарият хорижий давлатлар миллий қонунларида асосан фақат нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ташкилий жиҳатларига диққат қаратилгани ҳолда, улар фаолиятининг мазмун ва кафолатларига камроқ эътибор берилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шу маънода «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамоллигида изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар кўламини янада кенгайтириш ва самаралорлигини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Ҳомийлик тўғрисида» каби янги қонунларга ҳам эҳтиж сезилмоқда.

Айти пайтда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида катта ишлар амалга оширилаётир. Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида, хусусан, Қўмитамизда бир неча янги қонун лойиҳалари устида жадал иш олиб боришмоқда.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси.

Истиқлол йилларида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилгани катта аҳамиятга эга бўлди.

Фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири — нодавлат нотижорат ташкилотларнинг аҳамияти тобора ортиб бораётир.

Фақат эркин, молиявий жиҳатдан мустақил фуқаролик жамияти институтларига ўз олдига турган вазифаларни тўлақонли адо эта оладилар.

УШАЛГАН ОРЗУ

Бугунги кунда Наманган вилояти ички ишлар идораларида 76 нафар ИИБ Академияси сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курсларини тамомлаган ёш ходимлар хизмат қилишмоқда. Улар хизмат вазифаларига янгича муносабат, ўзгача руҳ билан киришганларини таъкидлаш жоиз.

Даргоҳнинг илк қалдирғочларидан бири бўлган учқўрғонлик Алимардон Абдуматов ҳам юзлаб сафдошлари қатори эл-юрт тинчлиги, осойишталиги, хавфсизлигини таъминлашга бор куч-ғайратини сарфлашга, керак бўлса, жонини фидо қилишга қасамёд қилган эди. Орадан бир йил ўтди. Бугун у ички ишлар идораси ходими, кичик сержант. Фалвирни сувдан кўтариш, сарҳисоб қилиш вақти етди.

Оилада беш фарзанднинг тўнғичи бўлган Алимардон болаликдан ички ишлар ходимларига ҳавас билан боқар, албатта, ички ишлар ходими бўлишни дилига тугиб қўйган эди. Бу касб эгаси бўлиш учун билим, матонат, жисмоний етуклик талаб этилади. Шу боис, у фанларни яхши ўзлаштириш билан бирга тинимсиз жисмоний машғулотлар билан шуғулланарди. Ҳаракатлари бежиз кетмади, болалик орзусини рўёбга чиқариш йўлида илк қадамни қўйди. Фарғона Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди. Ўқишни тамомлаб, тенгқурлари қатори йигитлик бурчини адо этиш учун Қуролли кучлар сафида хизмат қилди. Ҳарбий хиз-

мат уни янада чиниқтириб, тоблади.

— Наманган вилояти Ички ишлар бошқармасида ИИБ Академияси сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курсига



Суратда: кичик сержант Алимардон Абдуматов иш устида.

муносиб тингловчилар саралаб олинди, — дейди Алимардон Абдуматов. — Ўтказилган синовларда соғлиги, жисмоний етуклиги, билими, дунёқарашини муносиб деб топилганлар ичида мен ҳам бор эдим...

Муқаддам судланган, белгиланган жазо муддатининг маълум қисмини ўтаган, жиноят қилишга мойил, ахлоқ тузатиш ишларига суд томонидан ҳукм этилган маҳкумлар билан ишлашнинг ўзига яраша масъулияти, мураккаб жиҳатлари бор, албатта. Бугунги кунда ИИБ Академиясининг сержантлар таркиби-

ни тайёрлаш Олий курсларини битирган 14 нафар кичик сержант вилоят, шаҳар ва туманлар ИИБларида жазони ижро этиш гуруҳларида хизмат қилмоқда. Шу кунларда, кичик сержант Учқўрғон тумани ИИБ жазони ижро этиш гуруҳи инспектори Алимардон Абдуматов ҳам ўзига билдирилган ишончини оқлапти.

Алимардон хизматдаги қийинчиликлардан чўчимади. Билмаганини кўп йиллик ҳаётини тажрибага эга

бўлган ходимлардан сўраб, ўрганишдан ор қилмади. Меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги, хушмуомаласи билан жамоада ўз ўрнига эга бўлди.

— Хизмат ҳудудимда суд ҳукмига кўра, синов муддати белгиланган, муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳамда ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этилган қатор фуқаролар ҳисобда турадилар, — дейди Алимардон. — Уларнинг келгусидаги тақдири олдида ўзимни жавобгардай ҳис қиламан. Ҳаётда адашиб хатога йўл қўйган, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолиб, хатосини ан-

глаб етган маҳкумлар маънавий мададга муҳтож бўлади. Уларни ишга жойлаштириш, маҳаллий ҳоқимлик қошидаги «Ижтимоий кўникма» маркази орқали моддий ва маънавий кўмак бериш йўлга қўйилган. Улар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида профилактик ишлар олиб бораёلمиз.

Б. Маҳмуд илк бор жиноят содир этганида ҳали мактаб ўқувчиси эди. Аввал ўғрилиқ қилиб қамалди, кейин талончилик... Шўрлик онаси ёлғиз фарзандининг тарбиясида йўл қўйган хатоси унинг келажagini барбод этганини ўйлаб, эзилади. Сўнгги марта безорилик жинояти содир этиб, озодликдан маҳрум этилган эди. Жазо муддатининг уч йилини ўтагач, суд ҳукмига кўра, қолган икки йили ахлоқ тузатиш билан алмаштирилди. Яшаш жойида ҳисобга олингач, Алимардон унинг табиатидаги қусурларни обдон кузатди. Унинг синчков нигоҳи Маҳмуднинг бир оз танглиги, мардлигини ҳам илғаб олди. Шундан кейин уни ўзига яқин олиб, ана шу ижобий сифатларини ривожлантиришга киришди.

— Ўғлимнинг ахлоқи ижобий томонга ўзгараётганини кузатиб, хурсанд бўлдим, — дейди Маҳмуднинг онаси Омина ая. — Ҳозирда туман маданият саройида боғбон бўлиб ишлаяпти. Оиласи билан ҳам яхши. Ножўя хатти-ҳаракатларни ташлагани рост бўлсин. Бунинг учун Алимардонга раҳмат.

У ҳар бир озодликка чиққан маҳкумнинг тақдирига ана шундай куюнчаклик билан муносабатда бўлади. Ҳали Алимардоннинг эзгу ишлари бисёр.

Дилбар ТУРҒУНОВА,
катта лейтенант.

Ҳарбий хизматини ИИБ Қоровул қўшинларида ўтаб қайтган Бахтиёр Чориевни бир неча жойга ишга таклиф этишди. Унинг ёнгинасидаги Олимпия заҳиралари коллежи, мактабларда муаллимлик ўрни бор эди. Университетнинг тарих факультетини битирган, ҳарбий хизматдан қайтган ёш йигит — тайёр кадрнинг харидори кўп бўлади, албатта. Лекин у ички ишларда хизмат қилишни хоҳларди. Шу боис, ИИБ Академияси сержантлар тайёрлаш Олий курсига хужжат топширди. У жисмоний тайёргарлик ва назарий билимлар синовидан муваффақиятли ўтди. Ўқишдан касбий чуқур ҳамда соҳавий билим билан қайтди. Касб сирларини кунт билан ўрганди.

— Ўқиш жараёни менга ёқди, — дейди Бахтиёр Чориев. — Масъулият ва талабчанлик руҳи ҳукмрон экан. Интизом ва ижро, қатъий аниқлик билан ишлаш кўникмаларини ўргандик. Айниқса, машғулотларнинг ноанъанавий руҳда ўтганлиги, кўпроқ

ЎЗИ ЁШ, ПЕШҚАДАМ

амалий кўникмага эътибор қаратилганлиги хизмат чоғида жуда қўл келмоқда.

Дарвоқе, унинг ИИБ Академияси сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курсини битириб келганига кўп бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа муддат ичида кичик сержант Бахтиёр Чориев ички ишлар идораларида катта ҳаётини тажриба тўплади. Дастлаб, ППХ ва ЖТСБ ППХ батальонининг махсус отрядида инспекторликдан иш бошлади.

Чориев айни вақтда вилоят ИИБ ахборот маркази инспектори лавозимида хизмат қилмоқда. Марказда туну кун иш қизгин. Бу ерда унга подпол-

ковник Жумақул Турсунов мураббийлик қиляпти. Тажрибали бу ходим соҳанинг иш усуллари тўғрисида доимий маслаҳат ва амалий ёрдам бермоқда. Уйда эса отаси, истеъфодаги подполковник Жуманиёз Чориев маслаҳаттўй.

Кичик сержант Бахтиёр Чориев жамоанинг энг ёш, пешқадам ходимларидан, десак муболага бўлмайди. Йигитдаги қатъият, топширилган вазифага масъулият билан ёндашиши, энг муҳими, эл-юрт осойишталиги йўлидаги фидойилиги уни эзгуликлар сари етакламоқда.

С. ОМОНТУРДИЕВ.

ИИБ Академиясида сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курслар ташкил этилгани ички ишлар идораларида сидқидилдан хизмат қилишни истаган ёшлар учун кенг имконият эшикларини очиб берди.

ЎЗ ЎРНИНИ ТОПГАН ЙИГИТ

Жаҳонгир Рўзметов ҳам ана шундай ўз касбини ардоқлаган йигитлардан бири. У сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курсини муваффақиятли тамомлагандан кейин йўлланма билан Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасига юборилган. Айни пайтда у вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ патруль-пост хизмати отряд гуруҳи командири вазифасида фаолият юритмоқда.

— Ўқиш давомида олган билимларим иш фаолиятимда асқотмоқда, — дейди кичик сержант Жаҳонгир Рўзметов. — Ўқиш жараёнида олган назарий билимларим айни пайтда жуда қўл келмоқда.

Жаҳонгирнинг отаси Нурмат Рўзметов ички ишлар идораларида кўп йиллар хизмат қилиб, майор унвонида нафақага чиққан. Нурмат ака ўғлига ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, хизматнинг сир-асрорларини ўргатади, зарур маслаҳатлар беради.

Ж. Рўзметов дастлаб ишга келган куниданоқ олган билимларини амалиётда қўллашга ҳаракат қилди. Хужжатлар билан ишлаш ва уларни юритишдаги тартибларни ҳамкасбларига ўргатиш, айрим жиҳатларини осонлаштириш йўллариини тушунтиришдан бошлади.

— Ҳар бир буйруқ, фармойиш, топшириқларни бажаришдан олдин унинг моҳиятини тушуниб етилса, уни бажариш осон бўлади, — деди Ж. Рўзметов. — Бугун замон ривожланиб кетмоқда. Албатта, ички ишлар идораларига ҳам соҳавий, ҳам замонавий фикр-мулоҳазага, дунёқарашга эга бўлган ходимлар зарур деб ўйлайман.

— Ички ишлар идораларида фақат буйруқ бериш, юқоридан келган топшириқни бажариш билан кифояланадиганлар эмас, фуқаролар хавфсизлиги, жамоат тартибини сақлашда касб маҳорати етарли, зийрак ходимлар хизмат қилиши керак, — деди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ отряди командири, капитан Б. Содиқов. — Изланиш, ташаббус кўрсатиш, имкониятлар топиш, янгиликларни тезда ҳаётга жорий этадиганлар сафимизга қабул қилинишлари зарур. Шу жиҳатдан олганда Жаҳонгирда бундай ҳаракатларни сезиш мумкин. Бироқ у ҳали ўз устида кўп ишлаши, тажриба орттириши керак.

Дониёр Туйғунов.

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАРИ

БИЛИМЛИ, БАХТЛИ-САОДАТЛИ БЎЛИШСИН

Ҳар йили 1 июнь дунёда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни сифатида нишонланади. Ер юзи аҳолисининг салмоқли қисмини болалар ташкил этади. Албатта, уларнинг ҳаммаси бирдек яшаш, ўқиш, дам олиш имкониятига эга эмас. Бироқ, келажагини ўйлаган, юрт равнақи йўлида қайғурадиган давлатларда болаларнинг соғлом ўсиши, баркамол инсон бўлиб етишиши учун катта имкониятлар яратилапти. Жумладан, республика-мизда бу борада олиб борилаётган ишлар кўлами йилдан-йилга кўпайиб, давлат хазинасидан етарли миқдорда маблағ ажратилмоқда. Мақсад Юртбошимиз айтганларидек, «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!»

Мамлакатимизда ёш авлодга жаҳон андозаларига мос билим бериш, уларни она-Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларни бир сўз билан ифодалаш қийин. Таълим-тарбия ишларининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, кенг миқёсда ва катта кўламдаги дастурлар тузилиб, уларнинг ижобат бўлаётганини айтиб ўтиш жоиз. Республика-мизда таълим тизими мустақилликка эришиб, тараққийёт йўлидан дадил бораётган мамлакатимиз интилишларини ўзида акс эттираётгани яққол сезилмоқда. Энг асосийси, таълимнинг жаҳон амалиётида кам учрайдиган бетакрор миллий

моделли яратилди ва ҳаётга жорий этилмоқда. Кадрлар тайёрлашнинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш.

Маълумки, ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту камолини кўришни истайди. Президентимиз И. Каримовнинг «Демократик жамиятда болалар эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир», деган сўзлари ёш авлодга таълим-тарбия беришда муҳим аҳамиятга моликдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунда ёшларга таълим беришда умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг мажбурийлиги; ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг йўналиши; академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги давлат сиёсатининг асосий принциплари сифатида белгилаб қўйилган. Бу ёшларга ўзлари қизиққан фанлар, касб-хунарларни хоҳишлари бўйича ўрганиш имконини беради. Катталар, энг аввало, ота-оналар, ўқитувчи-мураббийлар, болаларнинг касб танлашларида эътиборсиз бўлмасликлари зарур. Айрим ота-оналар фарзандларининг қизиқишлари, қобилиятлари, қандай хунарни эгаллаш-

га мойиллигини ҳисобга олмай менинг айтганимни қиласан дейдилар. Бундай оилада вояга етаётган ўсмирда мустақил фикрлаш яхши шаклланмайди, доимо ота-онаси ёки бирор катта одамдан маслаҳат, йўл-йўриқ кутадиган бўлиб қолади. Болаларни ўзи севган илм, хунар олишига тўсқинлик қилиш уларнинг келажагига ҳам салбий таъсир қилиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Болаларнинг билими ва истеъдодини рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этиши кўп йиллик тажрибаларда амалий исботини топган. Шу боис ҳам республика-мизда мамлакат ва халқаро фан олимпиадалари ҳамда «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» республика спорт мусобақаларининг якуний босқич ғолибларига тегишли олий ўқув юрларига тест синовларисиз қабул қилинишига йўлланма берилади.

Ривожланган хорижий мамлакатлардаги мутахассислар билан ҳамкорликда хорижий тилларни ўрганиш ва таълимнинг бошқа соҳаларини такомиллаштириш бўйича семинарлар, анжуманлар, кенгашлар ўтказиш яхши самара берапти.

Фарзандларимиз мустахкам билимли ва иқтидорли бўлишлари учун, аввало, уларни жисмонан чиниқтиришимиз лозим. Чунки соғлом танда соғ ақл деб бежиз айтишмайди. Шу мақсадда республика-мизда болалар спортини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Ҳар бир ўғил-қиз спортнинг қайсидир тури билан шуғулланишга жалб этиляпти. Айниқса, мактабларда, маҳаллаларда спорт тўғрисида мунтазам фаолият кўрсатиши йўлга қўйиб, имкони борича кўпроқ болаларни жалб этиш чоралари кўриляпти. Ўзбекистонлик болалар ва ўсмирлар спортнинг турли йўналишларида халқаро мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаётганлари бу соҳада олиб борилаётган ишлар самарасидан дарак берапти.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция» Декларациясида «Инсоният ўзида мавжуд бўлган энг яхши нарсаларнинг ҳаммасини болаларга беришга мажбур», деб таъкидланган. Конвенцияга кўра, бола ўзининг камол топишида ўзи фаол иштирок этиш, ўз фикрини баён қилиш ҳуқуқига эга. Болалар ирқи, танасининг ранги, жинси, тили, дини, сиё-

ёшдаги болаларни халқнинг бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Бошланғич синфларда болаларда умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асослари шакллантирилади. Умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларни ри-

етилмоқда.

Ҳозирги даврда иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни чет элларда умумий ва касбий жиҳатдан тайёргарликдан ўтказишга қаратилган саъй-ҳаракатлар собитқадамлик билан амалга оширилмоқда. Бундай йўналишларда таълим олувчилар асосан академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юрларнинг талабалари, аспирантлар орасидан муайян талаблар асосида танлаб олиниб, хорижий давлат-



сий ёки бошқа эътиқоди, мулкӣ ҳолати, соғлиғининг ҳаволи, ота-онаси ёхуд қандайдир бошқа ҳолатлардан қатъи назар бирон-бир камситишларисиз ўз ҳуқуқ-ларидан фойдаланиши керак. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция 1990 йил 2 сентябрдан кучга кирган. Унга Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 9 декабрда қўшилган. «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг «Билим олиш ҳуқуқи» моддасида «Жинси, тили, ёши, ирқи, миллатига мансублиги, эътиқоди, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар ҳар ким билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади» — деб эътироф этилгани бугунги кунда таълим соҳаси жаҳон андозаларига мослигининг далолатидир.

Мактабгача таълим боланинг ҳар томонлама камол топиши йўлида муҳим босқич бўлиб, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотди, мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Бола олти-етти ёшга етгунича давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилади. Мактабгача

вожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришнинг ҳамда таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

Болаларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилмоқда. Касб-хунар коллежида ўқувчилар билим ва кўникмалар олиб, бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имкониятига эга бўлмоқдалар. Ҳозирги кунда касб-хунар коллежлари хорижий давлатларнинг замонавий ўқув қуроллари, компьютерлар билан жиҳозланяпти. Улар ёрдамида ўқувчи бир ёки бир неча касб-хунарни эгаллаши ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиши мумкин.

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлардан бири ёшларда маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишларни кучайтиришдир. Бунда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситаларидан ўринли фойдаланиб, амалиётга жорий

ларнинг илмий салоҳияти юқори бўлган билим даргоҳларига юборилапти.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунда белгилангандек, республика-мизда етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш, боқиб давлатнинг тўла таъминотига олинган. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсон бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволамишга муҳтож болалар ва ўсмирларни ўқитиш, тарбиялаш ҳамда даволаш учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилган.

Республика-мизда болаларнинг ҳар томонлама ривожланишлари, дунёқарашларини кенгайтиришлари учун болалар адабиёти, киноси, театри, кутубхонаси, мусиқаси, ўйин-қўшиқлари, фольклори, спорт мактабларини ривожлантиришга катта аҳамият берилаётгани амалда кўриниб турибди.

Болаларни тўғри тарбиялаш, билимли, хунарли бўлиб, ҳаётда ўз ўринларини топишидан ҳар доим масъул эканликларини ота-оналар, ўқитувчи-мураббийлар, катталар унутмасликлари керак.

Акрам АКМАЛОВ,
доцент.



Юртга посбон керак, юртимизнинг ҳар бир фуқароси эса муносиб посбондир, — дейди Конимех туман прокурори Фахриддин Бегимов.

— Маълумки, огоҳликка даъват, бу шунчаки сўз ёки мавсумий шиор эмас, аввало, ҳаммамизнинг ҳаётимизга дахлдор масъулият, бурчга айланди. Бундан анча йиллар илгари Президентимиз Ислоҳ Каримов: «Тинчлигимизни, келажак авлодларимизни, оиламизнинг тинчлигини ҳимоялашимиз керак. Ҳимоя дегани, аввало, огоҳ бўлиш дегани», деб жуда олисни кўзлаб барчамизни ҳушёрликка чақирган эдилар. Андижонда рўй берган воқеалар буни яна бир бор исботлади.

— Ўзбекистонда рўй бераётган улкан ўзгаришларни кўриб, кузатиб шундай хулосага келиш мумкинки, мамлакатимизнинг қисқа фурсатда қад ростлаши, ўз овози, бўй-басти билан жаҳонга чиқиши ҳаммага ҳам ёқармайди. Тўғриси айтганда, улар (муҳолифат дейимизи, раҳбарликка даъвогарлар дейимизи ёки ватанфуруш, ақидапарастлар дейимизи?) кутган кун тунга айланди — режалари, хом ҳаёллари амалга

ошмади. Чунки юртимизнинг эгаси бор эди, тинчлик, осойишталикни, ҳалол меҳнатни ҳеч нарсага алмашмайдиган танти халқи, эртаимизга ишончи бор эди. Шунинг учун ҳам осойишталигимизга раҳна солиб, ёвуз ниятларини амалга оширмақчи бўлган акромийлар ва улар ҳомийларининг асл башараси фош бўлди. Ёвузликка Аллоҳ йўл бермади, халқимиз уларга эргашмади. Улар

или турлича бўлгани билан, аслида уларнинг муддаоси, ниятлари бири-бирдан фарқ қилмайди. Аҳоли ўртасида сохта диний оқимлар гоёларини ёйиш, ёшларимизни чалғитиш ва охир-оқибатда конституциявий тузумга тажовуз қилиш, қон тўкиш — мана уларнинг мақсади. Баъзан турли сабабларга кўра уларнинг таъсирига тушиб қолган ёшлар, оилалар, бола-чақали кишиларнинг борлигига ачинасан киши. Туманда бу каби хатарли, салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

олдин қаёқда эдилар? Улар мустақилликдек олий неъматнинг нималигини билишармиди? Мустақиллик учун жонини фидо қилишга тайёрмиди?

Халқимиз истиқлолга эришиб, ватанимиз озод бўлиб, Ўзбекис-

Чиндан ҳам ният холис бўлса, юрт барчамизни ўз бағрига сиғдиради. Туманимизда 36.000 дан зиёд аҳоли яшайди. Ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ миллатига мансуб турли элат вакилла-

оналари билан бирга, улардан ўрганадилар, насиҳатларига қулоқ солишади. Тўғри қадам ҳамиша тўғрилиқка бошлайди-да. Тарбия оиладан, маҳалладан бошланади. Диний экстремизм, ақидапарастлик, қўпоровчиликни тарғиб қилувчи шахсларни аниқлаш, уларнинг йўлини тўсиш, қонуний қарорлар, чора-тадбирлар белгилаш борасида туман ИИБ билан ҳамкорликда ишлаш ўз самарасини бермоқда. Огоҳликка даъват бир кунлик, бир ойлик тадбир эмаслигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Бир оиланинг қайғуси, тинчлиги бутун бир мамлакатга дахлдорлигини ҳис қилсак, бу борадаги лоқайдлик, бефарқлик хиёнатга тенг жиноят ҳисобланади. Шундай экан, туманимиздаги ҳар бир ташкилот, корхона, маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, ўқув масканларида олиб борилаётган тадбирлар доим диққат-этиборимизда. Хулоса қилиб айтганда, ҳамкорлик, огоҳлик, аҳиллик ҳаётимизни маънан бойитиб, турмушимизнинг тинч, — осойишталигига гаров бўлаяпти.

Ражаббой РАУПОВ,
суҳбатлашди.
Суратда: Фахриддин Бегимов.



ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ

ҳар қанча уринсаларда, бари бир адолат, қонун, халқимиз хоҳиш-иродасига қарши чиқа олмадилар — пуч гоёлари ҳам, ўзлари ҳам чилпарчин бўлиб, сичқоннинг ини минг танга қабилида қочиб қолдилар.

— «Ҳизб-ут-таҳрир», «Ваҳҳобий», «Акромий» каби оқим ва гуруҳларнинг номи, шакл-шамой-

— Ёв қочса, ботир кўпаяр, деган нақл бор. Халқимизнинг донолиги шундаки, ҳақ гапни лўнда, очиқ-ошкор айтади-кўяди. Бир ўйлаб кўрайлик, бугун ҳокимиятни қўлга олиш баҳонасида ўз юрти, халқига қурол кўтариб чиқаётган «ботир», «халқпарвар», «адолатпарвар»лар кечагина — бундан ўн-ўн беш йил

тон деган ном дунёга танила бошлаганида, энди юртга эгалик қиламан, элга бош бўламан, деганлар кўпайиб қолди. Орзуга айб йўқ, лекин ҳар қандай орзу-ҳавас соф ният, покиза қалб, тафаккур ва ақлга боғланиши кераклигини унутмайлик. Юртбошчимиз «Шу азиз ватан — барчамизники» деб баралла айтиб қўйибдилар.

ри аҳил, бир оила, бири-бирига суянч бўлиб яшашига ҳеч бир тўсқинлик, монелик йўқ. Улар Ўзбекистонни Ватан, ўз қадрдон уйлари деб билдилар, қадрлайдилар. Кўз тегмасин, туманимизда бирорта ҳам диний оқимларга мойил ёшлар рўйхатга олинмаган. Ёшларимиз доим маҳалла оқсоқоллари, ўз ота-

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ СОҲИБЛАРИ

Камчиқ довони Фарғона водийси билан пойтахтни боғлаб турувчи кўприк воситасини бажаради. Унинг табиати ажиб, йилнинг тўрт фаслида ҳам мафтункор. Йўл ёқалаб ястанган дала-боғлар, қир-адирлар кўкка бўй чўзган пурвиқор тоғларга тутшиб кетган. Неча минг йилликларга шохид чўққилар аёзли киш кунлари соч-соқоли қировдек оқарган мўйсифид қиёфасига кирса, баҳор пайтлари тоғ этакларидан юксак қояларга қадар қирмизи лолалар алвон гилам тўшайди. Ёз саратонининг ҳарорати-ю, куз чоғлари яшил арчаларнинг ўйчан туришигача қалбларга ажиб мусаффолик бахш этади.

Жаннатмакон юртимизнинг беқиёс гўшаси бўлган ана шу Камчиқ узра айнан истиқлол йиллари бунёдкорлик ишлари авж олиб, кенг ва равон довон йўли-ю, қўш ерости йўли барпо этилгани барчага аён. Авваллари тоғ орқали манзилга отланганлар тор ва илонизи йўлдан юрак ҳовучлаб ўтардилар. Довондаги саъй-ҳаракатлар масофани бир неча чақиримга қисқартирибгина қолмай, кечаю-кундуз бемалол ҳаракатланиш имконини яратди.

Эндилликда довон орқали кунига 7-8 мингдан зиёд транспорт воситалари ҳаракатланмоқда. Автотранспортлар ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг ол-

дини олиш, қолаверса, фавқулодда ҳолатлар юз берганда уни бартараф этиш мақсадида довон йўлида турли хизмат масканлари бунёд этилган. Улар нафақат йўловчи ва транспортлар, балки 2 мингдан зиёд тоғли ҳудуд аҳолиси хизматига туну кун шай турадилар.

Ана шундай масканлардан бири Наманган вилояти ИИБ ЁХБга қарашли 7-ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги қисмидир. Қисмга капитан Алижон Паттаев раҳбарлик қилади.

Алижон Тўрақўрғон туманида ўсиб-улғайган. Инсон камолида у тарбия топган муҳит, ён-атрофдагиларнинг таъсири муҳим ўрин тутди. Алижонда ҳам ички ишлар идораларида хизмат қилиш орзуси тумандаги 4-ўрта мактабда ўқиб юрган кезлари уйғонган. Чунки отаси шу касб эгаси бўлиб, 25 йил туман ИИБда турли лавозимларда самарали фаолият кўрсатган Фанижон ака ҳозирда истеъфодаги капитан.

Алижоннинг айнан ўт учирувчилик касбини танлашига эса Абдурашид ака Умаров сабабчи бўлган. Кўп йиллар туман ИИБ давлат ёнғин назорати бўлинмасини бошқарган Абдурашид ака ўзи истиқомат қиладиган маҳаллада ўсиб камол топаётган Алижондаги шижоат ва шахдни ўз вақтида илганган, келажакда эл қорига ярайдиган посбон бўлишига

ДОВОНДАГИ ЖАСОРАТ

ишонганди. Шунинг учун ҳам эндигина ўрта мактабни тамомлаган ўспирин йигитга, унинг отасига дилидагиларни айтди.

Шундай қилиб бир олам орзу-умидлар қанотида пойтахтга отланган Алижон синов ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, республика ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига қабул қилинади.

«Камчиқ» довонидаги ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги қисми 2003 йилда ташкил этилиб, Алижонни бошлиқ лавозимига тайинлашди. Қарийб уч йилдирки, у ўзига билдирилган ишончини оқлаб келмоқда. Хавф туғилган пайтда гоят тезкорлик, билим ва маҳорат, матонат билан иш ташкил эта олишни амалда бир неча бор исботлади.

2005 йилнинг февраль ойи эди. Ҳавонинг авзойи бузуқ, изғирин забтига олган, бир неча кундан буён ёғиб турган қор ҳали тинай демасди. Довонда жойлашган «Камчиқ» маҳсул пудрат фойдаланиш таъмир-

лаш корхонаси ишчилари ётоқхонасини кўчки босгани ҳақида шошилинч хабар келди. Шунда Алижон Паттаев асло саросимага тушмай шахсий таркибни воқеа жойига бошлаб борди ва зудлик билан қутқарув-қидирув ишларига киришилди. Бино ичида одамлар қолиб кетган, вақт эса кутиб турмасди. Кўчки остидагиларни қутқариш ишлари шахсий таркибдан юксак тажриба ва тезкор ҳаракат қилишини талаб қиларди. А. Паттаев бошлиқ қисм ходимлари чинакамига фидойилик кўрсатишди. Шу кунга яна бир нохуш хабар келди. Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий қисмга қарашли бригада биноси ҳам кўчки остида қолганди. Зудлик билан ўша жойда ҳозир бўлган қисм ходимларининг бутун фикру ёди яна хавфни бартараф этишга қаратилди.

Аммо кўчки шу куннинг ўзида тўхтагани йўқ. Йўлни эгаллаб олган қорнинг баландлиги 8-10 метрни ташкил этарди. Табиий офат даврида ҳудуддаги барча алоқа воситалари яроқсиз ҳолга келгани

сабабли юқори ташкилотларга ахборот бериш, вазиятдан огоҳ этиб бориш ишлари капитан А. Паттаевга юклатилган эди. У кўчки оқибатларини бартараф этиш чоғида ходимлари билан матонат ва жасорат намуналарини кўрсатиб, кўплаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолиб, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатди.

Юртбошимизнинг Фармонига кўра капитан Алижон Паттаев «Жасорат» медали билан тақдирланди.

— Бу мукофот биргина менга эмас, бутун қисм ходимларига берилган, деб биламан, — дейди у. — Қолаверса, биз ўз вазифамиз, бурчимизни бажардик, холос. Ўрнимизда бошқа одам бўлганда ҳам шундай қиларди. Чунки Ватан, эл-юрт хизматини ишониб топширибдими, уни оқлаш йўлида ҳеч қандай машаққатдан чўчимаслик керак.

Халқимиз бахтига шундай жасоратли, мард ўғлонлар омон бўлсин.

Фурқат МАМАЖОНОВ,
майор.

Фарғона вилояти ИИБ ва унинг жойлардаги бўлимлари гиёҳвандлик ҳамда унинг ғайриқонуний айланишига қарши кескин кураш олиб бормоқда. Вилоятнинг барча ҳудудларида таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни парваришладек мудҳиш ишларга барҳам бериш бўйича кенг қамровли тезкор ва профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ ҳамда шаҳар, туман ИИБлари тезкор вакиллари ҳудудда ноқонуний йўл билан гиёҳванд моддаларни етиштириш, сақлаш ва сотиш каби ҳолатларга қақшатқич зарба бериш мақсадида режа

май қонунбузарликларга йўл қўяётган кишиларни огоҳлантириш, жамиятдаги соғлом ҳаёт тарзига путур етказишларига йўл қўймакликка қаратилмоқда. Олиб борилаётган тушунтириш ишлари ва огоҳлантиришларга қарамай айрим фуқаролар томорқаларида тақиқланган ўсимликларни парваришлашни давом эттирмоқдалар.

Ички ишлар идоралари ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда Қўқон шаҳрида яшовчи, муқаддам судланган, вақтинча ишламайдиган А. Мухаммад томорқасида 546 минг 328 туп кўкнор парваришлаб

— «Қорадори — 2006» тадбири бошлангандан буён гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ 88 та ғайриқонуний ҳолатлар аниқланди, дейди вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бошлигининг ўринбосари, капитан Азимжон Юлдошев. — Ушбу ҳолатларнинг 7 таси гиёҳванд моддаларни сақлаш, 2 таси сотиш ва 79 таси таркибида гиёҳванд моддалари бўлган ўсимликларни



ҲОВЛИДАГИ ЗАҲРИ ҚОТИЛ


Тошкент вилояти ҳудудида ўтказилаётган «Қорадори — 2006» тадбирини кенг кўламда ўтказиш, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида гуруҳлар ташкил этилиб, етарли куч ва воситалар билан таъминланган. Улар томонидан мунтазам равишда рейдлар ўтказилиб борилмоқда. Ҳаттоки, тадбирда тоғ ёнбағрилари, қирадирлар, далаларни кўздан кечириш мақсадида вертолётлардан ҳам фойдаланилмоқда. Яқинда ўтказилган тадбир давомида Ўртачирчиқ тумани «Дўстлик» фермерлар уюшмасида яшовчи Б. Жуманнинг уйи томорқаси гумонланиб текширилганида, 11 минг 994 туп кўкнор ва 130 кв.метр майдонда марихуана ўстирилаётганлиги аниқланди.

Чиноз туманида ўтказилган тадбирда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан Самарқанд кўчасида яшовчи Ш. Тўлабойнинг хонадони кўздан кечирилганда 300 туп кўкнор ўсаётгани маълум бўлди.

Ўртачирчиқ тумани Ф. Фуломов кўчасида яшовчи, уй бекаси А. Барнонинг уйи томорқаси гумонланиб, кўриб чиқилганда 200 туп, маҳалладоши И. Каромат эса 300 туп кўкнор ўсимлигини парваришлаётгани аниқланди.

Гиёҳвандлик моддалари йўқ қилинди. Ҳозирда ушбу ҳолатлар юзасидан тергов ва суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Шерали АНВАРОВ,
капитан.



Бўрибой ОМОНЗОДА,
майор.

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ — БАРЧАНИНГ ИШИ

асосида тезкор тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Бундан ташқари, қишлоқ ва маҳаллаларда профилактика инспекторлари билан маҳалла фаоллари аҳоли ўртасида мунтазам тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Унда асосий эътибор томорқасида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни парваришлаётган фуқароларни аниқлаб, уларни жавобгарликка тортиш эмас, балки билиб-бил-

ўстираётгани, қурилиши тугалланмаган бино ичида эса 2111 туп ана шундай оғу қуритилаётганлиги ошкор бўлди. Тошлоқ туманида яшовчи, пенсионер К. Шермат томорқасининг 100 кв. метр майдонида ноқонуний равишда 3 минг туп кўкнор ўсимлигини ўстираётгани аниқланиб, далилий ашё тариқасида олинди. Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан тергов ва суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

экиб, парваришлаш билан боғлиқдир.

Жиноятчини жазолашдан кўра, унинг олдини олган афзал. Шу маънода оммавий ахборот воситалари орқали ана шу мавзуда чиқишлар уюштирилмоқда, маҳаллаларда, хўжаликларда, корхоналарда, мактаб ва бошқа ўқув юртларида суҳбатлар ўтказилаяпти. Олиб борилаётган тушунтириш ишларидан тегишли хулоса чиқариб олмаган, ўз манфаатини ўйлаган, осон йўллар билан бойлик орттириш мақсадида қонунларни бузаётган, қолаверса, минглаб одамларнинг ҳаётига раҳна солишдан ҳам тойимаетган айрим нопок шахсларнинг қилмишлари тадбир давомида фош этилиб, улар жавобгарликка тортилмоқдалар.

ГИЁҲВАНДЛИК ВА УНИНГ АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАРИ

- 1. Қўрқув, раҳзий туншқилик, мезоридан ошириш... **ЎЛИМ.**
- 2. Ҷисмий йезилолтилик, ағзадан, ўта, мадоренглик
- 3. Қўят қилиш, пўкденглик, юрак феолиитидан, мурғимолар, кўчли (носоғлом) оғиш.
- 4. Ҷон айланishi, гўлқат йўлти, хотираниша еғейлиши
- 5. Алаҳуирам, алаҳуирамнинг олаҳуирамлик, шитиш, қўйилтишиша йўлтилиши.
- 6. Ҷисмийлик, тўшроқ, гўлқенглик
- 7. Сўйибез йезилолтилик, қўчлик, ағзадан
- 8. Оғзадан ҳароратиниша, қўчлик, қўчлик, тери раҳаниша йезилиши.
- 9. Ҷарилтидан, йезилишлар, қўч қўрақанишиша йезилиши.
- 0. Сўйибез ҳароратиниша, йўлти, ҳароратиниша, йўлти, йўлти, йўлти, йўлти.

ШУ СИЗГА КЕРАКМИ?!

КЎП НАРСА ИРОДАГА БОҒЛИҚ

Олим билан Шўҳрат (исмлари ўзгартирилган) мактабни аъло баҳоларга битиргач, нуфузли ўқув юртларида таълим олишни мақсад қилиб қўйишган эди. Астойдил ўқиб, изланишлари ўз самарасини берди. Талаба бўлишди. Ўқини тугатиб, шаҳарда қолишни истаманган йигитлар қишлоқлари сари равона бўлдилар. Олим савдо соҳасида, Шўҳрат эса қурилиш бўйича етакчи мутахассис сифатида фаолият юрита бошлашди.

Кўп вақт ўтмай улар туманнинг бообрў кишилари қаторида тилга олинган бўлишди. Данғиллама уй, шахсий автомашинага эга бўлиб, ҳар хил давраларда, кайфу сафо, маишатларга берилиб кетдилар. Бу давраларда аста-секин банги улфатларидан гиёҳвандлик моддалар истеъмол қилишни

ўргандилар. Тубсиз жарлик томон элтаётган бу заҳри қотил уларни адои тамом қилди. Ҳаттоки иш жойидан ҳам бенасиб бўлишди. Орттирган обрўларидан айрилиб, ҳеч кимга қўшилмай қолишгани ҳаммасидан ҳам ўтиб тушди.

Кўнларнинг бирида улар учрашиб, қилмишларидан афсусланиб, тегишли хулоса чиқаришди.

— Олим, ҳаётимизни дўзахга айланттирган бу оғудан воз кечиш вақти келди. Акс ҳолда у бизни ўз домига чуқурроқ тортаверади, — деди Шўҳрат қатъият билан.

— Ҳа, тўғри айтсан, бу «лаънати» дастидан бор-йўғимиздан айрилдик, — деди бошини чангаллаганча Олим.

Шундан сўнг улар Тошкент шаҳрига келишди. Соғлиқларини тиклаб олиш учун нар-

кологик диспансерга қатнадилар. Заҳри қотил асоратларидан қутулаётган бир пайтда собиқ ошналаридан бири Шўҳратни йўқлаб келиб қолди.

— Шўҳрат, бу дейман, эски улфатларни эсдан чиқариб юбордингми, — деди улардан бири. — Бу яхши эмас.

Бу гаплардан жаҳли чиққан Шўҳрат «Ҳаётимни заҳарлаган кечдим», дея уларни уйдан қувиб солди. Эски улфатидан «иззат» кўрмаган меҳмонлар Олимни излаб топишди. Унинг кўнгли бўшлигидан фойдаланиб, турли йўллар билан яна ўз давраларига қўшиб олишга муваффақ бўлишди. Тез орада Олим яна уй-жой, машинасини сотиб қишлоғига қайтиб кетди. Кўп вақт ўтмасдан ички ишлар ходимлари гиёҳвандлар гуруҳини

қўлга олишди. Бу гуруҳ орасида Олим ҳам бор эди. Уларнинг барчаси жазога тортилди.

Шўҳрат эса ўзига тўғри хулоса чиқара олди. У жаҳаннам сўқмоқларидан дайдиб юришни афзал билмади. Ҳаётнинг маъносини англаб етди. Натияжада ўз оиласи билан фаровон ҳаёт кечириб келмоқда.

Бундан кўриниб турибдики, иродаси кучли инсон ҳар қандай шароитда ҳам ўзини қўлга олиши мумкин. Инсонни ёмон йўлдан қайтаришда эса унинг атрофидаги ака-укалари, дўстлари, маҳалла аҳли ва профилактика инспекторининг роли катталигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шундай экан, атрофимиздаги инсонлар тақдирига бефарқ бўлмаслигимиз лозим.

Сафарбой ЖУМАНИЕЗОВ,
подполковник.

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Кейинги йилларда Хоразм вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши ишида қатор ижобий ўзгаришлар рўй берди. Қадриятларимизни тиклаш, ўтганлар хотирасини абадийлаштириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат, миллий меросимизга чуқур ҳурмат руҳида тарбиялашда фахрийларнинг бой тажрибаларидан кенгроқ фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёш ходимларнинг касбий маҳоратларини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини янада юксалтиришда ҳам ҳамкорликда фаол иш олиб борилмоқда. Бошқарма раҳбариятининг ташаббуси билан ташкил қилинган «Меҳнат ва шон-шўҳрат» музейининг иш бошлагани, айниқса, хайрли иш бўлди. Бунда Ўринбой Абдукаримов, Бахтиёр Машарипов, Қўзи Давлетов, Қаландар Худойберганов, Матрасул Матёкубов, Комилжон Тожиев, шунингдек, раҳматлик Раҳимберган Каримов, Отабой Искандаров сингари жонқуяр фахрийлар фаол иштирок этишди. Айни кунларда музейни турли тарихий ҳужжатлар ҳамда экспонатлар билан бойитишда ҳам фахрийларнинг ёрдами катта бўлаётди.

Кенгаш аъзолари бошқарма раҳбарияти билан ҳамкорликда фахрийларнинг ҳолидан хабар олиб, моддий ва маънавий ёрдам беришмоқда. Шаҳар ва туман ИИБларида, ўқув муассасаларида, маҳалла ва ташкилотларда режа асосида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиляпти. Истеъфодаги подполковник Қўзи Давлетов раҳбарлик қилаётган «Қалқон» клуби болалар ва ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлашда ибратли ишларни амалга оширмоқда. Ўқув муассасаларида, маҳаллалар қошида «Яшил чироқ», «Ёш посбонлар», «Ёш ўт ўчирувчилар», «Ёш ҳуқуқшунос», «Қалқон» каби тўғарақлар ташкил қилиниб, уларнинг фаолияти назорат остига олинган. Бу тадбирларни ўтказишдан мақсад, жойларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда фахрийларнинг бой тажрибаларидан кенгроқ фойдаланишидир.

Вилоят ИИБ раҳбариятининг ташаббуси билан фахрийлар ўзлари яшаб турган маҳалла ва қишлоқдаги тарбияси оғир болалари бор оилаларга, жиноят

содир қилишга мойил бўлган ўсмирларга бирки-тилган. Улар профилактика инспекторлари, вояга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам бериш гуруҳи инспекторлари билан биргаликда иш олиб бориляпти. Ота-оналар, уларнинг ўғил-қизлари билан алоҳида-алоҳида суҳбатлар, учрашувлар ўтказишмоқда. Шунингдек, тарбияси оғир болаларни дам олиш оромгоҳларига юбориш масалалари ҳам ижобий ҳал этилмоқда. Натижалар чакки бўлмаяпти. Шу йилнинг биринчи чораги давомида ўсмирлар ўртасида жиноят содир этилиши сезиларли даражада камайди.

Фахрийлар ўтган йилнинг куз ойида водий бўйлаб саёҳатда бўлишди. Улар Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари ИИБлари фахрийлар Кенгаши иш фаолияти билан яқиндан танишдилар, водийнинг диққатга сазовор жойларини, тарихий обидаларини зиёрат қилишди.

Вилоят ҳокимлигида энг тажрибали, маҳоратли, меҳнатсевар фахрийларни қишлоқ ҳамда маҳалла кўмиталари раиси этиб тайинлаш таклифи ижобий маъқулланди. Бу жуда хайрли иш бўлди. Чунки чуқур малакага эга бўлган фах-

рийлар узоқ йиллар давомида турли оилавий можароларни ҳал қилишда, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, иш-сизларни фойдали ижтимоий меҳнатга жалб қилишда кўп ишлар қилишган. Бу ташаббус жиноятчиликнинг олдини олишда ҳам кўл келаяпти.

Янгиариқ туманидаги «Янгиариқ» қишлоқ фуқаролар йиғинига ички ишлар идоралари фахрийси Озод Абдуллаев раислик қилади. Гурлан туманидан эса Ҳалилйил Ражабов, Ҳазорасп туманидан Нормайбой Отамуротов Хива туманидан Қаландар Худойберганов, Урганч шаҳридан Рустам Султонов, Абдулла Муллаев каби қишлоқ ва маҳалла оқсоқолларини фахр ва ифтихор билан тилга олиш мумкин. Қувонарлиси шундаки, бу оқсоқоллар етакчилик қилаётган худудларда жиноят содир этилишига йўл қўйилмаяпти.

Ҳамкорликда ҳикмат кўп, дейишди. Буни фахрийлар фаолиятида кўриш мумкин. Амалга оширилаётган хайрли ишларнинг барчаси эл-юрт осойишталигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Худойберган ЖАББОРОВ.

Андижон вилояти ички ишлар идораларида фахрийларни ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Уларнинг ҳолидан хабар олиш, туғилган кун ва бошқа саналарини нишонлаш эса анъанага айланган.

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Истеъфодаги катта лейтенант Олимжон Ашуров хизмат фаолиятини эл-юрт осойишталигига бағишлаган. Қўрғонтепа туман ИИБда хизмат қилган кезлари ҳамкасбларининг ҳурматини, аҳолининг ишончини қозонган. Унинг хизматдаги бой тажрибаси ёш ходимлар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда.

О. Ашуров айни дамда 94 ёшни қарши олди. Қўрғонтепа туман ИИБда ана шу санага бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник А. Ғозиев, Қўрғонтепа туман ИИБ бошлиғи, подполковник Р. Жалолитдиновлар сўзга чиқиб, Олимжон отанинг ҳаёт йўли, хизмат фаолияти, туманда жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашишда эришган ютуқлари ҳақида тўхталдилар. У кишининг яқин дўстлари, ҳамкасблари, ёш ходимлар туғилган кунини билан самимий табриклаб, эсдалик совғаларини тақдим этишди.

— Фахрийларимиздан 20 нафари 90 ёшдан ошган, — дейди биз билан суҳбатда вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник Ғозиев. — Уларнинг ҳолидан хабар олиш, саломатликларини тиклаш, ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда бор имкониятларни ишга соляпмиз.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Сержант Зокир Музаффаров ички ишлар идоралари сафида қисқа муддат хизмат қилди. Аммо ана шу фурсат ичида қасамёдига содиқ қолиб, халқининг асл фарзанди эканлигини намойён этди. Ватан остоналарига қора кўланка солиб келган хоинларга қарши курашди. Сароисиё тумани ҳудудида юртфуруш жангарилар билан бўлган жангларда қатнашиб, душман билан юзма-юз бўлди. Зокиржон ҳар қанча чапдастлик қилмасин кўлидан яраланди. Душманинг дайди ўқидан жонини азобда қолди.

АСЛ ФАРЗАНД



Тошкентдаги ҳарбий шифохонада даволанган дамларни эсга оларкан, Зокирнинг ҳали-ҳамон юраги орқага тортиб кетади. Жонига азоб бераётган оғриққа дош бериш осон эмасди.

Барча оғриғу азобларни кўз юмиб енгишида унга бир туйғу далда бўлди. Юртдошлари ва яқинлари меҳри, соғинчи, улар бағрига талпиниш унинг тезроқ оёққа туришида мадад бўлди.

3. Музаффаровнинг мардлиги, жасурлиги, чегара дахлсизлигини таъминлашдаги хизматлари юқори баҳоланиб, «Жасорат» медаллари билан тақдирланди.

Қашқадарё вилоят ИИБ ЁХБ 12-ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги қисмида радио алоқачи вазифасида сид-қидилдан хизмат қилаётган 3. Музаффаров тақдир тақозоси билан муддатидан анча барвақт пенсионерлар сафига кўшилди.

Зокиржон билан бўлган суҳбатимиздан шу нарсани англадимки, у ғаламис кимсаларга қарши. Ватан учун жангларда қатнашиб, душманни мағлуб этишда ҳиссаси борлигидан фахрланади.

Зокиржоннинг турмуш ўртоғи — Шаҳно Нормаматова ўқитувчи, оқида аёл. Ҳар бир ишда эрига кўмакдош, ҳаммаслак. Улар ўзаро тотувликда умргузаронлик қилишмоқда. Фарзандлари Ситора, Моҳигул ва Умиджонлар мактабда таҳсил олишмаяпти. Қаҳрамонимизнинг орзулари бисёр. У ўғли ички ишлар соҳасида ишлаб, ўзининг изидан боришини астойдил орзу қилади.

Яхши ният — ярим давлат, деганларидек ота орзуси ижобат бўлса ажабмас. Ана шунда йигит кўнглидаги армонлари ариб, қалб таскин топади.

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар ўзларининг ҳалол, фидойи, одамохунликлари туйғули тез орада эл-юрт ҳурматини қозонадилар. Истеъфодаги майор Шеркул Мирзаев оддий хизматчи оиласида туғилиб ўсди. Интилиши, ҳаётга теран кўз билан боқиши, касбига садоқати туйғули эл олқишига мушарраф бўлди.

У 1970 йилда Қашқадарё вилоят ИИБ ДАН ҳозирги ЙХХБда хизматида хизмат фаолиятини ҳайдовчиликдан бошлади. Турли масъулиятли вазифаларда ишлади. 1995 йили у майор унвони билан фахрийликка кузатилди.

Кўқон шаҳридаги автомобиль йўллари техникумида, сўнгра Қарши Давлат университети-нинг техника факультетида таҳсил олган йўл нозираи турмуш пиллапо-яларидаги синовлардан муваффақиятли ўтди.

Жумладан, вилоят ИИБ ДАН бўлим бошлиғи, имтиҳон қабул қилиш бўлимида катта йўриқчи, 1-комендатура бошлиғи ўринбосари ва-

зифаларида ишлади. Вилоят ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси техника бўлими бошлиғи даражасигача кўтарилди.

Термизда Афғонистон билан чегара кўприги қурилишидаги хизмати учун фахрий ёрлиққа сазовор бўлган. Чернобиль АЭС фалокатини тиклаш ишларида ҳам фаол иштирок этган.

Унинг узоқ йиллик самарали хизматини бугунги кунда шогирдлари давом эттиришмоқда. Подполковник Ф. Ҳасанов, майор Р. Камоловларни камолдан Шеркул ака доимо гурурланиб юради.

Ш. Мирзаев вилоят ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси фахрийлар кенгаши раиси ўринбосари. Ҳамон сафдошлари, шогирдлари-



нинг маслакдоши.

Шеркул ака катта ва бахтиёр оила бошлиғи. Турмуш ўртоғи Сайёра опа тарбиячи. Ўн бир нафар фарзандни шу куннинг муносиб кишилари қилиб тарбиялаб, вояга етказди. Бир этак набираларнинг севимли бобосига айланган отахон ҳаётдан мамнун. Ўғли Ойбек — катта сержант, Отаси бошлаган ишни давом эттирмоқда.

Соҳибжамол АМИНОВА.



МАЖНУНТОЛНИНГ

ЖОБДАСИ

У чиндан ҳам «илоҳийми?»

1692 йилда Лион шаҳрида даҳшатли жиноят содир этилди — майфуруш Этьен Моро ва унинг хотинини ертўлаларида номаълум кимсалар сўйиб кетишди. Қотиллар эр-хотиннинг мурдасини бурдалаб ташлаган, ҳамма ёқ қип-қизил қонга бўялганди. Хоналар ағдар-тўнтар қилинган, Моро тилла тангаларини сақлайдиган сандиқ бўшаб ётарди. Қотиллар кимдандир чўчишган, шекилли, шундоқ тошойна олдидан турган кутича ичидаги Моро хонимнинг қимматбаҳо тақинчоқларини олишга улагуришмаган эди.

Кўни-кўшнилари юз берган фожиадан даҳшатга тушишди. Дарҳол этикдўз Эймарнинг эси пастрок ўғлини еслашди. У бир пайтлар мажнунтол хивичи ёрдамида Лион атрофида маъданли сувлар захирасини топган эди. Қотиллик юз берган пайтда бу йигит 30 ёшда бўлиб, асосан маҳаллий аҳоли берган садақа ҳисобидан кун кечирарди. У 18 ёшдалигида ўлдирилиб, мурдаси май бочкасига тиқиб кетилган аёлни топган эди. Ёш «изкувар»нинг қўлидаги мажнунтолнинг новдаси қотил аёлнинг эри эканлигини кўрсатди. Бу кейинроқ ҳақиқатан ҳам ўз тасдиғини топди. Прокурор эси паст йигитнинг гайриоддий қобилиятини ҳисобга олган бўлса керак, майфурушнинг қотилларини топиш чоғида ҳам унинг хизматидан фойдаланишга қарор қилди. Эймар бир неча марта Мороларнинг уйи атрофини айлангач, ертўлага тушди. Мурдалар ётган жойга келганида қўлидаги тол хивичи тит-

рай бошлади, йигитнинг ўзи эса ҳушидан кетаёзди. Сўнг у марҳумларнинг кийимларини олиб кўчага чиқди. Ҳайратга тушган оломон унинг кетидан эргашиб кетаверди. Йигит Рона дарёси бўйига етиб келди. Нариги қирғоққа ўтмоқчи эди-ю, қоронги тушиб қолгани учун кўприкни беркитиб қўйишган экан.

Эртаси кўни Эймар уч нафар полиция офицери ҳамроҳлигида қирғоқ ёқалаб оқим бўйлаб кетаверди. Бир неча чақирим йўл босишгач, чўпоннинг кулбасига дуч келишди. Довдир уйга киргач, кўза тўнтарилган стол тепасида қўлидаги новда бир неча марта айланди. «Бу ерда уч қочоқ бўлган. Улар вино ичишган, нон олиб кетишган», — деди йигит. Уйдаги болалар бу сўзларни тасдиқлаб, кулбага уч нафар дайди бостириб кирганини, егулик талаб қилганини, қорниларини тўйғиз-

гач, яна ўз йўлларида кетишганини тасдиқлашди. Шундан сўнг Эймар ва унга ҳамроҳлик қилаётган полиция офицерлари йўлларида давом этишди. Тоғ этагидаги Бекер шаҳарчасига етиб келишганида Эймарнинг қўлидаги тол новдаси маҳаллий қамоқхона томон бурилди. Бу муассасада 13 нафар маҳбус сақланаётган эди. Қамоқхона бошлиғи уларни бир қаторга сафлади. Эймар сафни кўздан кечираркан, бир букри маҳбуснинг рўпарасига келганида хивич титрай бошлади. Андре исмли бу маҳбус бундан бир соатлар олдин маҳаллий бозорда майда ўғирлик содир этгани учун қамалган

эди. Эймар ана шу киши майфурушнинг ўлдирилиши билан боғлиқ жиноятда иштирок этганини, аммо асосий жиноятчи, яъни қотил эмаслигини айтди.

Полиция офицерларидан бири букрини Лионга олиб кетди. Аввалига Андре ўзига қўйилган айбни рад этди. Аммо кейинроқ ваҳшиёна қотиллик юз берган жойга бошлаб келишганида ҳақиқатан ҳам жиноят содир этилганида шу ерда бўлганини тан олди. Фақат ҳеч кимни ўлдирмаганлигини айтди. Уни қўлга киритиладиган ўлжаларни кўтариб юриши учун ёллашган экан.

Бу вақтда Эймар ва икки нафар полиция офицери йўлларида давом этишди. Ниҳоят Тулон шаҳрига етиб келишди. Эймарнинг айтишича, қочоқлар шаҳардаги мехмонхонада бир кеча тунаб, сўнг қайиқ ёллаб, Италиянинг Генуя шаҳрига ўтиб кетишган эди. Афсуски, полиция офицерлари қўшни давлат худудига ўтиш учун рухсатнома олишмаганди. Шу сабабли орқаларига қайтишга мажбур бўлишди.

Энди гапнинг қолганини эшитинг. Сўроқ чоғида Андре ва унинг шериклари тулонлик қароқчилар эканлигини тан олишди. Тез орада унинг устидан суд бўлиб ўтди. Жиноятчини чархпалакка боғлаб ўлдиришга ҳукм этишди. Ҳукм Лионнинг энг катта майдонида оломоннинг кўз олдида ижро этилди. Ҳойнаҳой, бу Европа тарихида бундай ваҳшиёна усулда одамни қатл этиш усулининг сўнгги бор қўлланилиши эди.

Уша пайтлар Европа қитъаси аҳолиси шафқатсизларча содир этилган жиноятларнинг изи воқеа жойидаги ҳавода, нарса-буюмларда сақланиб қолишига ишонишарди. Бу «излар»ни ўқиш санъатини ҳозирги замонда психометрия деб аташади. Аммо Эймарнинг маҳорати бу санъат доирасидан ҳам четга чиқарди. У ўзи кўрмаган-билмаган жиноятчини юз чақиримлаб масофагача измаиз таъқиб қилиши мумкин эди. Бу гайритабиий қобилият соҳибига ҳатто сув ҳавзалари ҳам тўсиқ бўлолмасди.

Аммо тол новдаси ёрдамида кишининг айбдор-айбсизлигини аниқлаш усули баъзиларда шубҳа уйғотарди. Шунинг учун ҳам лионлик руҳоний Пьер Лебран айнан Эймар томонидан шу усулда қотилликда айбланган бир аёлни ҳимоя қилишини сўраб

епископга мурожаат қилади.

Эймарнинг донғи Париж шаҳригача етиб борди. 1692 йилда уни ўзининг илмий салоҳияти билан шуҳрат қозонган қирол табиби Пьер Гарнье синаб кўрди. У тажриба ўтказиш учун атайлаб Лион шаҳрига келди. Кейинроқ ўтказган тажрибалари юзасидан ҳисоботини эълон қилди. Табиб Эймарнинг гайриоддий қобилиятининг табиий сабаблари мавжуд деган хулосага келган эди. Олимпнинг фикрича, жиноятчи қонли жиноят содир этаётган чоғида организмдан ўзига хос зарралар ажратиб чиқаради. Бу зарралар ҳавода сақланиб қолади. Экстра-сенс воқеа жойига келганида ҳалиги зарралар таъсирида унинг юрак уриши тезлашиб, мушаклари таранглашади. Натижада қўлидаги мажнунтол хивичи ҳаракатга келади.

Қирол табибининг фикрига парижлик шифокор Пьер Шовэн ҳам қўшилди. У ҳатто мазкур зарралар воқеа жойидаги ҳавода елвизак бўлганида, шамол эсганида ҳам сақланиб қолаверарди, деди. Бу зарралар экстра-сенснинг жисмоний инстинктларини уйғотиб, мушаклари тортишишига сабаб бўлар экан.

Аббат Валлемонтский эса ўзининг 1693 йилда чоп этилган «Сехр-жоду физикаси» китобида мазкур фикрга кескин қарши чиқди. Руҳонийнинг фикрича, Эймар ва унга ўхшаш кишилар шайтоннинг малайлари бўлиб, уларни қатл этиш керак экан.

Уша йили этикдўзнинг ўғлини Парижга таклиф этишди. Бу гал уни Франция Фанлар Академияси олимлари текшириб кўришди. Ўзига хос тажриба ўтказилди. Боғда олгита чуқур қазинди. Улардан тўрттасига турли хил

металл парчалари, бирига шағал кўмишди. Олтинчисини эса тупроқ билан тўлдириб қўя қолишди. Эймар бўш чуқурни ва шағал кўмилганини топди, турли металл қўмилганларини эса топа олмади. Сўнг этикдўзнинг олдида бир неча кишини сафга тизиб қўйишди. Эймар улар орасидан яқинда шаҳзода Конденнинг саройи қўриқчиларидан бирини ўлдирган қотилни топиши лозим эди. Аммо у вазифани уддалай олмади. Ушбу воқеадан кейин Эймарнинг ноёб қобилиятига бўлган ишонч сезиларли даражада пасайди.

Парижда чоп этиладиган ҳафталиқ «Mercure galant» нашри саҳифаларида бу масала атрофида баҳс-мунозара авж олди. Унда таниқли жамоат арбоблари, черков вакиллари, олимлар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Баъзилар тол хивичи ёрдамида турли жумбоқларни ечиш мумкинлигига ишонч билдиришди, айримлар буни инкор этишди.

Ниҳоят мунозарага Гренобль кардинали Ле Камус ҳам қўшилди. У «Сирли ҳодисалар фалсафаси» номли асарида мажнунтолнинг новдаси ёрдамида ўтмишда юз берган воқеаларни билиб олиш мумкин, аммо келажакка назар ташлаб бўлмайдиган деган хулоса чиқарди. Яна муаллифнинг фикрича, жиноий жавобгарликка даҳшдор масалаларни тол хивичи ёрдамида ҳал этиб бўлмасди.

Нима бўлганда ҳам, XVII аср охирига келиб бу усул Францияда жудаям оммаланиб кетган эди. Унинг ёрдамида олдий деҳқонлар сув манбаларини, полициячилар жиноятчиларни, мутаассиб диндорлар эса шайтонга эргашганларни аниқлаш мумкинлигига ишонишар эди...



БИЗГА МАКТУБ ЙЎЛЛАБСИЗ

Тахририятимиз ҳар куни муштарийлардан турли мазмундаги мактублар олади. Хатларни бирма-бир кўздан кечирар эканмиз, ўқувчилар газетамизнинг ҳар бир сонини муштоқлик билан кутишларидан кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Бу саҳифаларни янада ранг-баранг қилишга, янги-янги мавзуларни ёритишга чорлайди. Хатларнинг баъзиларида ҳаётнинг қувончу ташвишлари қаламга олинса, айримларида яхши кишиларнинг кўрсатган меҳр-оқибатларидан миннатдор эканликлари изҳор этилади. Эътиборли томони, газетхонлар ўзларини қийнаётган муаммоларни қонуний ҳал қилишда ёрдам сўраб мурожаат этишади. Уларнинг мурожаатлари тегишли идоралар билан биргаликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Таҳлиллар кундан-кунга мактублар сони ортаётганини кўрсатмоқда. Шунингдек, газетхонлар ўз ижод намуналарини ҳам бизга йўллашмоқда. Куйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этаймиз.



ИЖОД ЖОНУ ДИЛИМ

Ассалому алайкум ҳурматли «Постда» газетаси ижодий жамоаси. Мен Қизилтепа тумани ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлинмасида хизмат қилиб келаяпман. Санъатга жуда қизиқаман. Ижод жону дилим. Айниқса, шеър ўқишга иштиёқим баланд. Хизматдан бўш вақтларда шеърлар машқ қилиб тураман. Сизларга улардан айримларини юбораяпман.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси
отам **Жонон Ёзиев хотирасига бағишлайман.**

ОТАМ ДУОСИ

Отангнинг дуосин олгил, эй фарзанд,
Отанг бу дунёда меҳмон-ғанимат.
Бир кун келиб, сен ҳам ота бўлурсан,
Фарзандингга бергил, сен ҳам насиҳат.

Отам дуо қилар: «Ўғлим, кам бўлма,
Фарзандларинг асло, кўнглин ранжитма.
Фарзандингга доим меҳрли бўлгил,
Отанг насиҳатин асло унутма».

Оталар фарзандин дуо қилурлар,
Дўсту душмани улар яхши билурлар,
Бу дунё ўткинчи, дийдор — ғанимат,
Отангни асрагил, падар ғанимат.

Отажон умрингиз ўтди меҳнатда,
Жойингиз илоҳим бўлсин жаннатда.

Келдиёр **ЁЗИЕВ.**

МУНТАЗАМ ЎҚИБ БОРАМИЗ

Ассалому алайкум, «Постда» газетасининг жонкуяр ижодий жамоаси!

Мен ҳозир коллеж талабаси бўлсам-да, газетангизни тенгдошларим ва курсдошларим билан мунтазам ўқиб борамиз. Бизга айниқса, «Жиноятга жазо муқаррар!», «Қилмиш-қидирмиш», «Турмуш чорраҳаларида» рукнлари остида чоп этилаётган материаллар манзур бўлмоқда. Шунингдек, «Сержант» саҳифасини ҳам интиқлик билан кутамиз. Биз яна Ички ишлар вазирлигининг олий ўқув юртлари фаолияти, курсантлар ҳаёти тўғрисида кўпроқ мақолалар беришларингизни сўрадик.

Н. ЛАТИПОВ,
Наманган юридик коллежи талабаси.

МАСЛАҲАТ УЧУН РАҲМАТ

«Постда» газетасининг «Саломатлик саҳифаси» рукни остида «Мўмиё — танга даво» (2006 йил 8 апрель, 14-сон) номли мақолани зўр иштиёқ билан ўқиб чиқдим. Унда айни мен учун қимматли бўлган фикрлар, маслаҳатлар берилган эди. Сабаби, анча йиллардан буён жигарим оғриди. Бу ҳам етмагандек йиқилиб тушиб, қулоқларим шангилайдиган ва бошим гувиллайдиган бўлиб қолувди. Шифохоналарда ҳам даволандим, аммо буткул соғайиб кетмадим. Газетангизнинг ҳар сонини кузатиб борардим ва ўша мақолани ўқидим-у, Кўҳитанг тоғ бағрида яшовчи дўстимникига бордим. У менга асл мўмиёдан берди ҳамда қандай ичишни ҳам ўргатиб қўйди. Ҳозир ўзимни анча тетик ва соғлом ҳис қилаяпман. Мен каби шифоталаб кишиларга тўғри маслаҳат берган газета ижодкорларига раҳматлар айтаман.

Кўзибой **АБДУЖАЛИЛОВ,**
Термиз шаҳар «Дўстлик» маҳалласи оқсоқоли.

ТАСДИҒИНИ ТОПМАДИ

Сурхондарё вилояти Ангор тумани Шароф Рашидов номли ширкат хўжалиги худудида яшовчи фуқаро Хожар Мавлонова Ангор тумани ИИБ бошлиғи, подполковник Х. Маликовнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан тахририятга мурожаат қилган. Мазкур аризада келтирилган важлар республика ИИБ ва вилоят ИИБ масъул ходимлари томонидан атрофлича текширилганда, унда келтирилган ҳолатлар ўз тасдиғини топмаганини маълум қиламан.

М. ЖАБОРОВ,
Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғи, полковник.

ФОЙДАНИНГ ЗАРАРИ

Компьютер техникаси ҳаётда муҳим ўрин эгалламоқда. Унинг имкониятлари беқиёс, албатта. Фойдали томонлари кўп: идора, корхона, муассасалардаги оғир ишларни энгиллаштиришда қўл келмоқда. Юртимизда компьютер имкониятларидан кенг фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, ёшларимизнинг дунёқароши кенг бўлиши учун кўплаб интернет клублар фаолият кўрсатмоқда. Хорижий тилларни биладиган ёшларимиз чет эллик тенгдошлари билан ўзаро мулоқот қилиши, дунёда содир бўлаётган воқеалардан, янгиликлардан бохабар бўлишлари мумкин. Интернет орқали хорижлик сармоядорлар билан шартнома асосида ҳамкорлик амалга оширилаяпти. Бу яхши, албатта. Бироқ таълим олаёт-

ган талаба ва ўқувчилар аниқ фанларга тобора лаёқатсизлик билан қарашаётганини кузатиш мумкин. Чунки компьютер худди зарарли иллат каби айрим ўсмирларни ўз домига тортмоқда. Авваллари кутубхона, аудиторияларни тўлдириб ўтирган ёшларни учратардик. Энди ундайларни учратиш амримаҳол. Ҳозирги ёшлар китоб ўқишга эриниб, интернет орқали қисқагина маълумот билан кифояланиб қолишади. Бу аввало, китобга бўлган муҳаббат йўқлигидан далолат беради. Қолаверса, баъзи ўқув юртларида ва интернет клубларда компьютердан унумли фойдаланишмаяпти. Компьютер дарсликларини ўргатиш ўрнига шарқона одоб-ахлоққа тўғри келмайдиган клиплар, ўйинларни бемалол

қўйиб беришаяпти. Ахир бу онгни заҳарлайди-ку! Вақтида унинг олди олинмаса эртага қандай оқибатларга олиб келишини бир тасаввур этиб кўринг. Китоб ўқимаслик маънавий қашшоқликка олиб келмасми-кан? Қизларимиз сўнги русумдаги европача кўйлақлар кийиш, йигитлар ҳар хил бўлмағур ишларга пул сарфлаш ўрнига, илмий ва бадий адабиётлар олиб ўқишса келажаклари учун ҳам фойдали бўларди. Буюк алломаларимиз айтганларидек: китоб бизни тарбиялайди, чиройли ва равон нутқли, соғлом фикрли, одобли бўлишга ўргатади. Азиз ёшлар! Келажгим порлоқ бўлсин десаңгиз, китоб ўқишдан, илм излашдан асло тўхтаманг!

Зебунисобегим
АБДУЛЛАЕВА.
Урганч шаҳри.

ХОТИРА ТУРНИРИ ЎТКАЗИЛДИ

Мамлакатимизда 9 май — Хотира ва Кадрлар куни кенг нишонланди. Шу жумладан, Наманган вилояти ИИБ тергов ҳибхонасида ушбу байрамни ўтказиш аъёнага айланган. Хизмат вақтида ҳалок бўлган тиббиёт бўлими фельдшери Оқилжон Холбоев, назоратчилар Носиржон Аҳмаджонов ва Отамирза Норматов ҳамда вафот этган Баҳодир Абдурахмоновлар хотираларига бағишланган шахсий таркиб ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди. Жамоалар етти гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро беллашдилар. Турнирда марҳум ходим-

ларнинг оила аъзолари ҳам тақлиф этилдилар. Мусобақа якунига кўра, 1-ўринни эгаллаган капитан А. Хожиев бошчилигидаги жамоа рағбатлантирилди. Шунингдек, марҳум ходимларнинг оила аъзоларига ҳам моддий-маънавий ёрдам кўрсатилди. Инсон меҳнати, хизматига яраша қадрланиши лозим. Шу маънода, кўп йиллар самарали хизмат қилиб, айни кунларда нафақага чиқаётган ходимлар ҳам иззат-икром билан кузатиб қўйилмоқда.

Х. ИКРОМОВ,
майор.

ХАТЛАР БЎЛИМИ.



РОСТДА TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ТВ 3, душанба

22.15 «ҚЎЛГА ОЛУВЧИЛАР» («ПЕРЕХВАТЧИКИ»)

Узоқ келажакда жаҳон давлатлари махсус бўлинма тузишмоқчи. Бу бўлинма энг сара аскарлардан иборат бўлади. Унинг вазифаси ўзга сайёралик босқинчиларга қарши курашиш. Бўлинмага бутун дунёнинг моҳир жангчилари жамланади. Уга «Қўлга олувчилар» деб ном беришган.

Ролларда: Оливье Грюнер, Брэд Дуриф, Гленн Пламмер.



НТВ, сешанба

21.50 «МОТИЛЁК»

Анри Шарьер ўзи содир этмаган ўғрилиқ учун умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилади. Йўлда у «Мотилёк» лақабли йирик молиявий фирибгар Луис Дега билан танишиб қолади. Анри бир неча бор қамоқхонадан қочишга уриниб кўради. Шундан сўнг уни жазо сифатида тўрт томондан океан ўраб турувчи оролга сургун қилишади...

Ролларда: Стив Маккуин, Дастин Хоффман, Виктор Жори.



СТС, чоршанба

3.20 «БЕЛГИ» («МЕТКА»)

Бу кичик шаҳарчада ҳар қандай жиноят ҳам шов-шувга сабаб бўлади. Айниқса, қотиллик юз берса ваҳима кўтарилади. Полиция бир қотилликни фош эта олмагач, жиноят ишини ёпмоқчи бўлади. Шунда шериф ўз суриштурувини бошлайди. Уни мархумнинг танасидаги сирли белги қизиқтириб қолади.

Ролларда: Патриция Аркетт, Билли Боб Торнтон.



НТВ, пайшанба

23.00 «ВАҲШИЙЛАР БАЗМИ» («БАЛ МОНСТРОВ»)

Хэнк Грабовски узоқ йиллардан бери қамоқхонада жаллод вазифасини бажаради. Ўғли ҳам у билан бирга ишлайди, аммо у бу касбга ҳеч ҳам руҳан кўника олмайди. Охири отасининг кўз ўнгида ўзини ўлдиради. Хэнк ўғлининг ўлимидан қаттиқ қайғуради. Шундан сўнг дунёга бошқача кўз билан қарай бошлайди...

Ролларда: Билли Боб Торнтон, Хэлли Бэрри, Хит Леджер.



«Россия», пайшанба

23.35 «ЛАЪНАТИ ТУШ ПАЙТИ» («СОБАЧИЙ ПОЛДЕНЬ»)

Қоқ туш пайти Санни ва Сэл банкни таламоқчи бўлишади. Талончиликни ўн дақиқа ичида амалга оширишни мўлжаллашган эди. Аммо режалари чиппака чиқади. Чунки воқеа жойига кутилмаганда полициячилар, бекорчи томошабинлар, тележурналистлар ва ҳатто пицца сотувчи келиб қолишади. Хуллас, талончилик цирк томошасига, яъни масхарабозликка айланади.

Ролларда: Аль Пачино, Жон Казале, Чарлз Дернинг.




ТВ3, жума

22.30 «ОЙНАВАНД ЧУМОЛИНИ» («СТЕКЛЯННЫЙ МУРАВЕЙНИК»)

Осмонўпар биноларнинг бирида жойлашган боққа хориждан янги ниҳол олиб келишади. Шундан сўнг даҳшатли воқеалар юз бериши мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди. Кўчатнинг яшил япроқлари ичида бир нечта малла чумоли сақланиб қолган эди. Улар кўпайиб, баҳайбат тус олишади.

Ролларда: С. Томас Хауэлл, Стелла Стивенс.



ДТВ, шанба

1.55 «МАНГУ ХАЁТ» («БЕССМЕРТИЕ»)

Стивен мангу яшаб қолиши учун унга ёш жувонларнинг қони керак бўлади. Бусиз ўлимга маҳкум. У замонавий вампир. Йигит ўзининг тенгсиз, ягона севгилисини излайди. Ёш гўзаллар уни севиб қолаверишади. Аммо Стивен кучли эҳтирос ва бор вужуди билан севувчи қизни ахтариб топиши керак.



Ролларда: Жуд Лоу, Элина Левенсон, Тимоти Сполл.

«Биринчи» канал, якшанба

17.50 «СЎЗ ВА МУСИҚА» («СЛОВА И МУЗЫКА»)

Маргонинг мусиқа продюсери – қирқ ёшли кучли, мустақил аёл. У эри билан ажрашишаётганидан қаттиқ изтиробда. Ёш мусиқачи билан учрашиб қолгач, ўрталарида кучли муҳаббат пайдо бўлади. Узоқ руҳий азоблардан сўнг аёл эридан ажрашмасликка қарор қилади.

Ролларда: Вера Сотникова, Марат Башаров, Алексей Гуськов.



«Ўзбекистон» телеканал

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.50 Олтин мерос.
9.00 «Олам ва одам» дастури: «Фридерик Шопен».
9.50 «Камалак» экрани.
10.40 «Рақслар жилоси».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «O'zbektelefilm» намоиши: «Куёшли ўлка».
11.30 «Одами эрсанг...»
11.50 У. Азим. «Алпомишнинг қайтиши». Муқимий номидаги ўзбек давлат муסיкий театрининг спектакли. 1-қисм.
13.00 «Алпомишнинг қайтиши». Спектакль. 2-қисм.
13.55 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олтин бешик».
14.55 «Гаровдаги муҳаббат». Бадий фильм.
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Равнак» студияси намоиш этади:
17.45 «Умр дафтари». М. Уйгур. 1-қисм.
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Меҳробдан чаён». Видеофильм. 6-қисм.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Теле-сериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бир ўлка-ки...»
22.00 «Иигит кўнгли». Теле-сериал премьераси.
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Япониянинг ёввойи табиати».
23.45-23.50 Тунги наволар.

«Ёшлар» телеканал

15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 Давр.
16.15 «Янги авлод» шоуси.
16.30 Шум болалар.
16.45 Ёшлар овози.
17.00 Олий лига кундалиги.
17.25 «Сени излаб». Бадий фильм.
18.10 Кизил худуд.
18.25 UzEX хабарлари (инглиз тилида)
18.35 Ёшлик наволари.
19.00 Давр.
19.40 CINEMANIYA.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 UzEX хабарлари.
20.20 Ракурс.
20.35 Муסיкий лаҳзалар.
20.45 UzEX хабарлари (рус тилида)
21.00 «Аёл эрки». Теле-сериал. 1-қисм (Япония)
22.00 Давр.
22.40 Интерфутбол.
0.20 - 0.25 Орзулар бека-ти.

«Тошкент» телеканал

18.10 Кўрсатувлар тартиби.

18.20, 21.15 «Экспресс» телегазетаси.
18.30 «Пойтахт». (рус).
18.55 «Болажонлар экрани».
19.10 «Бир жуфт аския».
19.15 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.45 2006 йил - Хомийлар ва шифокорлар йили: «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Камилла». Теле-сериал.
20.45, 21.50 «Телекурьер маркет».
Мусобақа якунида ҳомийлик қилган «Кока-кола қўшма корхонаси» ва «Фотон» корхоналари томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

Муслима РАҲИМОВА,
катта лейтенант.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, полковник **Азим Абдуллаевич АМИНОВ**ни қутлуг 50 ёшга тўлгани билан самимий муबारакбод этамиз. У кишига узоқ ва мазмунли умр, мустақкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Республика ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши.

Республика ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби тезкор-тактик фанлар кафедраси бошлиғи, полковник **Равшан ҚОСИМОВ**ни қутлуг 50 ёшга тўлгани билан самимий табриклаймиз. Қадрли ҳамкасбимизга узоқ ва сермазмун умр, мустақкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, шарафли ва масъулиятли ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз. Хонадонидан файзу барака аримасин.

ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Республика ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, полковник **Анвархўжа АЪЗАМХЎЖАЕВ**ни муबारак 55 ёшга тўлгани билан самимий қутлаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, мустақкам соғлиқ тилаб, яна кўп йиллар бардам бўлиб, фарзандлари, шогирдлари ва ҳамкасблари даврасини тўлдириб юришини Яратгандан сўраймиз.

Бош бошқарма шахсий таркиби.

Навоий вилояти ИИБ жазони ижро этиш бошқармаси бошлиғи, полковник **Адиб МАРДОНОВ**ни таваллуд топган кунини билан самимий табриклаймиз. У кишига узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ва машаққатли хизматларида улкан ютуқлар тилаймиз. Саодатли кунлар ҳаминиша ҳамроҳ бўлсин.

Вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ШТБХ бошлиғининг ташкилий-штар ишлари бўйича ўринбосари, подполковник **Мурод МАДРАИМОВ** ва Қашқадарё вилояти ИИБ ШТБХ бошлиғининг ташкилий-штар ишлари бўйича ўринбосари, подполковник **Илҳом ТУРСУНОВ**ни таваллуд айёмлари билан чин қалбимиздан қутлаймиз. Уларга узоқ умр, мустақкам соғлиқ, оилавий бахт ва хизматларида катта муваффақиятлар тилаймиз.

Республика ИИБ ШТБХ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Самарқанд вилоятида яшовчи отам **Жонибек ҲАМРАЕВ** ҳамда укам **Тойлоқ тумани ИИБ профилактика инспектори, катта лейтенант Низомиддин ҲАМРАЕВ**ни таваллуд топган кунлари билан чин дилдан қутлаймиз. Уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида омад ёр бўлишини тилаймиз.

Оила аъзолари номидан майор Раҳимжон Ҳамраев.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Музейдан ички ишлар хизмати дастлаб ташкил топган йиллардан ҳикоя қилувчи экспонатлар муносиб ўрин олган. Ҳозирги кунда биз учун жуда оддий кўринадиган қиличлар, мийтиқлар билан бир пайтлар жиноятчиларга қарши курашнинг. 20-30 йилларда тармоқ анча ривожланиб, алоқа воситалари билан таъминланган. Музейнинг ана шу йилларга бағишланган бўлимини кўздан кечириётган ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби курсантларини суҳбатга тортидик.

— Тез-тез музейларга бориб тураман, — деди курсант **Уктам Ҳайитов**. — Ҳар бирининг ўзига хос томонлари бор. Бироқ менимча, энг қизиқарлиси шу музей деб биламан. Чунки тинчлик-осойишталикни сақлашнинг тарихи билан кўпчилик қизиқа-



ида қолган қишлоқ, снаряддан зарарланган танк тутайди...

Музей залларини бирма-бир кўздан кечирамиз. Урушдан кейинги йилларда жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш борасида ички ишлар ходимларининг хизматини акс эттирувчи экспонатлар бир қарашда жуда камдай кўринади. Бундан ходимлар учун етарли шарт-шароитлар яратилмагани, улар ҳозиргидай замонавий биноларда эмас, эски ташландиқ биноларни ўз кучлари билан таъмирлаб, жиҳозлаб ишлаганлари маълум бўлади. Анча уриниб, сарғайиб қолган суратга қайта жило бераётган йигит эътиборимизни тортди. — Рассом-реставраторимиз **Шамсиддин Муҳиддин**, — дея йигитни таништирдим музей бошлиғи, — қўли жуда гул йигит. Эскирган, бўёғи кўчган, уникиб кетган буюм, сурат-

Музей мוזийдан сўзлар



ида қолган қишлоқ, снаряддан зарарланган танк тутайди...

Музей ташкил этилганига ўттиз йилдан ошди, — деди курсантларни экспонатлар билан таништириб юрган музей бошлиғи, подполковник **Икромжон Раҳимов**. — Давр ўтган сари тарихий ҳужжатлар, буюмлар сони ортиб борапти. Фахрийларимиз ҳатто ўзларига қимматли бўлган нарсаларни ҳам топширишади. Экспонатлар ана шундай кишиларнинг сай-ҳаракатлари билан бойиб бормоқда.

Музей залларини бирма-бир кўздан кечирамиз. Урушдан кейинги йилларда жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш борасида ички ишлар ходимларининг хизматини акс эттирувчи экспонатлар бир қарашда жуда камдай кўринади. Бундан ходимлар учун етарли шарт-шароитлар яратилмагани, улар ҳозиргидай замонавий биноларда эмас, эски ташландиқ биноларни ўз кучлари билан таъмирлаб, жиҳозлаб ишлаганлари маълум бўлади.

Анча уриниб, сарғайиб қолган суратга қайта жило бераётган йигит эътиборимизни тортди. — Рассом-реставраторимиз **Шамсиддин Муҳиддин**, — дея йигитни таништирдим музей бошлиғи, — қўли жуда гул йигит. Эскирган, бўёғи кўчган, уникиб кетган буюм, сурат-

лар яратилмагани, улар ҳозиргидай замонавий биноларда эмас, эски ташландиқ биноларни ўз кучлари билан таъмирлаб, жиҳозлаб ишлаганлари маълум бўлади. Анча уриниб, сарғайиб қолган суратга қайта жило бераётган йигит эътиборимизни тортди. — Рассом-реставраторимиз **Шамсиддин Муҳиддин**, — дея йигитни таништирдим музей бошлиғи, — қўли жуда гул йигит. Эскирган, бўёғи кўчган, уникиб кетган буюм, сурат-

Музей ташкил этилганига ўттиз йилдан ошди, — деди курсантларни экспонатлар билан таништириб юрган музей бошлиғи, подполковник **Икромжон Раҳимов**. — Давр ўтган сари тарихий ҳужжатлар, буюмлар сони ортиб борапти. Фахрийларимиз ҳатто ўзларига қимматли бўлган нарсаларни ҳам топширишади. Экспонатлар ана шундай кишиларнинг сай-ҳаракатлари билан бойиб бормоқда.

Музей ташкил этилганига ўттиз йилдан ошди, — деди курсантларни экспонатлар билан таништириб юрган музей бошлиғи, подполковник **Икромжон Раҳимов**. — Давр ўтган сари тарихий ҳужжатлар, буюмлар сони ортиб борапти. Фахрийларимиз ҳатто ўзларига қимматли бўлган нарсаларни ҳам топширишади. Экспонатлар ана шундай кишиларнинг сай-ҳаракатлари билан бойиб бормоқда.

ларга худди ўзидай қилиб, қайта ҳаёт бағишлайди. Йиллар ўтиб ҳар қандай буюмнинг бўёғи, ранги ўзгаради, эскиради. Уни узоқ йиллар сақланиши учун таъмирлаб туриш керак бўлади.

Хотира залига ўтамиз. Тўрда мангу олов ёниб турибди. Хона сукунат кўйнида. Деворда эса қатор суратлар кўйилган.

— Хизмат пайтида ҳалок бўлган ходимлар, — деди бошловчи қисқина қилиб.

Жиноятчиларни уш-лаш, ашаддий рецидивистларни зарарсизлантириш, жамиятга ёт турли унсурлардан кишиларни ҳимоя қилиш чоғида ҳалок бўлган на-вқирон йигитларнинг суратларига боқиб, халқ, Ватан олдидаги қасамёдига содиқ ўғлонларга, номингиз қалбларда яшайди, чунки сиз бошқаларнинг хотиржам яшаши учун жонингизни қурбон қилгансиз, деймиз.

Бу масканга кирсангиз, экспонатлар тилга киради, гирик хотиралар оғуши-

да қоласиз. Бутун умрини юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида машаққатли хизматга бағишлаганлар, ҳалол ва фидойилик кўрсатиб, эл оғзига тушган ходимлар, спортнинг қайсидир тури билан шуғулланиб, жаҳон, олимпия мусобақаларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчи йигитлар ҳаёт йўллари билан танишасиз. Музейга ташриф буюрган киши тарих билан юзлашади, гўёки ўша даврларда яшагандай бўлади.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.
Суратларда: музей залларидан лавҳалар.

Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.



МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

КҮЙ. 21 март – 20 апрель
Ушбу ҳафтада кўплаб ҳаётий муҳим масалалар тинч-хотиржам ўз ечимини топади. Душанбадан эътиборан қутилмаган қадамлар кўйишингиз мумкин. Хато ва камчиликлардан сақланай десангиз, «Етти ўлчаб бир кес!» мақолига амал қилинг, ўзингизга етказилган ахборот ва маълумотлар тўғрилигини яхшилаб текширинг.

СИГИР. 21 апрель – 20 май
Агар жиддий қарорга келиб, ўтмишингиздан кўнгил узсангиз, ҳаётингизни тубдан ўзгартиришингиз мумкин. Аммо эсингизда бўлсинки, кейин орқага қайтишнинг илоҳи бўлмайди. Илгари кўйган пойдеворингиз янги ўзгаришлар учун асос вазифасини ўтайди.

ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июнь
Ҳафта қувончли янгиликдан бошланади. Ҳойна-ҳой, анчадан буён кўришмаган узоқ қадрдонингиз сизни излаб топса керак. Тинч-осойишта вазиятдан самарали фойдаланинг, иккинчи даражали ишларга чалғиманг. Жума сиз учун қулай кундир.

ҚИСҚИЧБАҚА. 22 июнь – 22 июль
Ҳозир шахсий ташаббус кўрсатишнинг мавриди эмас. Дикқатингизни бир жойга йиғиб, ишда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш чоғида бутун масъулиятни ҳис этишингиз зарур. Хомхаёлларга берилманг, фақат амалга оширишингизга кўзингиз етадиган ишларнигина режалаштиринг.

АРСЛОН. 23 июль – 23 август
Ушбу ҳафтада ҳар қачонгидан ҳам кўра ўзлингизга содиқ қолишингиз керак. Теварак-атрофингиздагиларнинг фикрига қарамай ўз нуқтаи назарингизда қатъий турсангиз, рақибларингиз ҳам иттифоқингизга айланади. Атрофингиздагиларнинг ишончини қозонишга интилинг, шунда обрў-эътиборингиз ошади.

БОШОҚ. 24 август – 23 сентябрь
Яқинда дўстларингиз билан мулоқотда бўласиз, сафарингиз кўнгилли ўтади. Бир танишингизнинг нуфузи ошиб, сизга нафи тегади. Ҳафта ўрталарида қоғозбозлик кўпайиб кетади, аммо ҳазилкашлигингиз кийин вазиятлардан чиқиб кетишингизга ёрдам беради.

ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октябрь
Аста-секин омад сиздан юз ўгира бошлайди. Ҳамма муаммоларингизга чарчашингиз сабабдир. Ҳамкасбларингиз билан муносабатларингиз ёмонлашиши мумкин. Ҳаётингизда ўзгариш қилишингизга тўғри келади. Балки, эскиларни ўрнига янги танишлар орттирганингиз маъқулдир.

ЧАЁН. 24 октябрь – 22 ноябрь
Ижодий фаолиятингиз учун қулай палла келди. Албатта, илҳом париси ҳузурингизга ташриф буюради. Фақат фурсатни кўлдан бермасангиз бас. Бошқаларнинг хатти-ҳаракатини очикдан-очик қоралаш хоҳиши туғилганида, яхшиси бундан тийилинг.

ЁЙ. 23 ноябрь – 21 декабрь
Шу ҳафтада устувор йўналишингизни белгилаб олиб, йўлдан адашманг. Акс ҳолда барча ҳаракатларингиз зое кетади. Ҳар бир ишни ўз вақтида бажаринг. Шубҳали лойиҳаларни амалга ошириш билан шуғулланмаганингиз маъқул.

ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь – 20 январь
Ҳафта анча тинч-хотиржам ўтиши қутиляпти. Шунинг учун уни дам олишга бағишлашингизни маслаҳат берамиз. Одатдаги турмуш тарзингизни ўзгартирманг. Бошқалар билан мулоқот, учрашув, музокаралар, сафарлар муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Ҳужжатларингизни тартибга келтириб кўйинг.

ҚОВҒА. 21 январь – 20 февраль
Ушбу ҳафтада ўзингизга ишончингиз ортиши шубҳасиз. Яшаш манзилингиз ёки иш жойингиз ўзгариши мумкин. Фаоллик ва шахсий ташаббус кўрсатсангиз, айти муддао бўларди. Эскини бузиб, янгини яратиш учун қулай фурсат келди.

БАЛИҚ. 21 февраль – 20 март
Келаётган ҳафтадан ахборот ва билим олиш учун фойдаланинг. Атрофингизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга катта эътибор беринг. Ўз кучингизга, имкониятларингизга ишонинг, эҳтиросларингизни жиловлаб олинг. Айти пайтда кўпроқ ички сезгингизга қулоқ тутинг.

*Яқинда иш юзасидан касалхоналардан бирига бо-
ришимга тўғри келди. Бош ҳамшира билан шифо-
кор хонаси томон бораётим, йўлакда — дераза ток-
часига суянганча катта-катта, маъюс кўзлари-
ни менга қадаб турган хушсурат, ёшгина жувонга
кўзим тушди. Қизиғи, чўндай озгин жувоннинг
қўлида каттагина қўғирчоқ. Чақалоққа ўхшатиб,
авайлаб кўтариб олган.*

Жувон менга қаттиқ тикилиб тургани учун индамай ўтиб кетолмадим: салом бердим. У эса алик олиш ўрнига биров тортиб оладигандай, қўғирчоғини баланд кўтарди-ю чинқириб юборди.

Кутилмаган ҳолдан қай аҳволга тушганимни таърифлай олмайман. Айтадиганим ёшгина жувоннинг шу кўйга тушишига сабаб бўлган воқеадир. Воқеани менга Малоҳатни (жувоннинг исми шундай экан) кўргани келган онаси — Нодира опа гапириб берди...

Малоҳат балоғатга етгач, остоналаридан совчи аримай қолди. Чунки унинг ёшига нисбатан дуркун қомаги, тақимига тушадиган қора сочию шахло кўзлари, зулукдек қош, найза киприк, нақши олмадек юзлари, ҳусни малоҳатидан ҳам ширин сўзи, одоби нафақат бўз йигитларни, келин қидириб юрган кўпгина оналарнинг ҳам юрагини жизиллатиб, «шу қизни келин қиламан» деган орзу билан ҳаракатга солиб кўйганди.

Лекин Малоҳатнинг онаси уни узатишга шошилмади. Сабаби, ёлғизгина қизи билан ёшгина бева қолган она биринчидан, кўзининг оқу қорасини бегона даргоҳга узатилишдан олдин ўқиб, ҳеч бўлмаса, ҳамширалик касбини эгаллашни хоҳлади. Иккинчидан, бир мўмин йигит чиқса, ичкүев қилиш нияти ҳам йўқ эмасди. Ахир, қизини узатса, бу ҳайхотдек уйда бир ўзи нима қилади?

Ҳамиша онасининг раъйига қараб ўрганган қиз бу гал ҳам унинг орзу-си билан ўқишга кирди. Бир-икки ой ўқиб-ўқимай:

— Ойи, қаранг, менга қанақа гул ҳада қилишди! — эшикдан бир даста оппоқ атиргулни кўтариб кириб келлаётган қизини кўриб, онанинг юраги шувиллаб кетди.

— Ким совга қилди? Қаерда? Нима учун?

— Синфдошим Наргиза бор-ку, мен билан бирга ўқийди. Ўшани туғилган куни бўлди. Илҳом акаси табриклагани келиб, менга ҳам гул олиб келибди. Қаранг, чиройли-а?

— Тавба. Берса олавердингми? Кўрганлар нима дейди?

— Ойижон, қизиқсиз-а? Дугонамнинг акаси менга ҳам ака-да, — қизнинг шахло кўзлари ёшга тўлди. — Кўнглингизга бошқача фикр келмасин, ойижон.

Қизининг ял-ял ёниб турган юзларига, жовдираб турган кўзларига бир зум тикилган она койишда давом этишдан ўзини тийди. «Ёш-да, эси йўқ. Лекин вақтини топиб, бир очик гаплашишим керак. Кейин «аттанг» деб қолмай. Наргизанинг ота-онаси кўпинча бир-бирини беҳурмат қилишини, оилаларида тотувлик йўқлигини эшитганман. Наргиза «Акам ҳарбий хизматда бўлган шаҳарда қолиб, аллақерда ишляпти экан» деганди. Қизимнинг бошини айлантирмасе бўлгани».

Нодира опа ана шундай хаёлларга гарқ бўлиб, овқатга унади. Малоҳат овқатдан кейин алламаҳалгача дарс

ҚЎҒИРЧОҚ



КЎТАРГАН ОНА

тайёрлади. Шу боис, онанинг қизи билан очикчасига гаплашиш нияти кейинга қолди. Кейин эса...

— Кейин гаплашганимнинг фойдаси бўлмади, — оназор гапида давом этди. Очилиш фасли келганда гунча ҳаш-паш дегунча очилганидай, вақти етиб, қиз кўнглида севги чечак очса, уни юлиб ташлаш қийин экан. Охири йигит билан учрашдим. Уч-тўрт йил мусофирчиликда, мустақил юргани учунми, юриш-туриши, кийинишлари бинойидек. Муомаласи ҳам жойида. Қизимдан беш-олти ёш катталиги ҳам майли-ю... негадир кўзлари галати. Одамга тик қарамайди. Олма-кесак териб, атрофга аланлагани-аланлаган. Бирор жойда ишламай, онасининг савдо ишларига ёрдам бериб юрганмиш...

Йигитни кўриб, кўнглим илимади. Қизимга ётиғи билан тушунтириб, насихат қилдим.

Ўша кеча тонг отгунча Малоҳатнинг хонасида чироқ ўчмади. Эртаси куни эрталаб шаҳди анча пасайган қизим уйни йиғиштириб, чала-чулпа нонушта қилди-ю, қизарган кўзларини кўрсатмаслик учун ерга қараганича «Мен кетдим» деб чиқиб кетди...

Қизимнинг кундан-кунга эзилиб юрганини кўриб, чидай олмадим. Лекин, афсус, ана ўшанда қилган кўнгличанлигим мени бир умр ўтга солди.

Қисқаси, Илҳомдан кетма-кет келаверган совчиларнинг ковуши тўзиб, жағи толди. «Кел, боламга шунчалик озор бермай. Йигит ҳам туппа-тузукка ўхшаяпти. Буёғи дугонасининг акаси, бегона эмас», — дедим. Шу кундан бошлаб қизимнинг гул-гул очилиб юришини кўриб, аввалроқ тўйга рози бўлмаганимдан афсусландим ҳам.

Малоҳат бир йиллик ўқишни битиргач, тўй қилдик. Тўйдан бир ойлар ўтиб, ёшлар қанотим остига кўчиб келишди. Уларнинг бахтини кўриб,

Бора-бора қўлда кўтариб юришнинг мазасига тушуна бошлаган чақалоқ, бешикка солди дегунча йиғлайдиган бўлиб қолди.

Бир куни уйга яна куёвимнинг ўртоқлари келишди. Алламаҳалгача ҳовлидаги сўрида сигарет чекиб, қий-чув қилиб ўтиришди. Ҳамма набирамни бирма-бир қўлига олди. Менинг эса бирортасининг қўлидан бола тушиб кетмасин деб жоним ҳалак.

Ниҳоят меҳмонлар тарқалишди. Кейин қизимга «болангни бешикка белаб, бешитини менинг хонамга олиб чиқ» дедим.

— Қўйинг, ойи, дам олинг. Сиз ҳам чарчадингиз. Унинг устига, қон босимингиз ошиб ётибди, — деди қизим.

Минг хил хаёллар билан мижда қоқмай ётибман. Кўз ёшларимдан ёстигим ҳўл бўлиб кетган. Хайрият, бомдод номозига азон айтилди. Уфқ бўзара бошлади. Узоқ-яқинда хўролар қичқира бошлади.

— Яна бир тонгга етказганингга шукр, Аллоҳим!

Кўлимдаги рўмонни ўрашга улгурмай, кимнингдир ҳайқириғи қулогимга чалинди.

Шошилиб, ҳовлига чиқдим. Уятни ҳам йиғиштириб, тўғри қизим билан куёвимнинг ётоқхонасига отилдим. Эшикни очдим куёвим боласини бағрига босганича, кўзи косасидан чиққудек бўлиб, қотиб турган қизимга тушди. Куёвим эса тарашадек қотиб ётибди.

— Нима бўлди? — дея болага ёпишдим. Лекин уни қизимнинг омбурдек қўлларидан ажратиб ололмадим. Набирагинам аллақачон музлаб бўлганди.

Гиёҳвандлик моддасига тўйиб олиб, қотиб ухлаб қолган ва уйқусида ўғлини босиб, ўлдириб қўйган, кўзи бежо куёвимни сотувга тайёрлаб қўйган ярим килодан ортиқ героин билан ички ишлар ходимлари олиб кетишди. У-ку қилмишига яраша жазосини олди. Лекин қизимга қийин бўлди. Ўша машъум кундан буён аҳволи шу. Тўйи куни никоҳ машинасига ўрнатилган қўғирчоқни қаердан топиб олди—билмайман. Ўшани қўлидан қўймайди. Қизимнинг бошига тушган савдолар учун ўзимни кечира олмайман. Нима қилай, ҳаммасига ўзим айбдорман...

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.



САЛОМАТЛИК

РЕЦЕПЛАР + МУТАХАССИС ФИКРЛАРИ + ТАВСИЯЛАР

Диёримиз ширин-шакар мевалари, резавор, қанду асал, поллиз маҳсулотлари билангина эмас, балки дилни ром этиб, кишига ором бахш этувчи гуллари билан ҳам оламга машҳур. Шулардан бири хуштаъм, хушбўй атиргулдир.

Атиргулнинг дунёда 300 тури мавжуд бўлиб, 20 га яқини республикамизда ўстирилади. Турли рангда товланиб очилиб турган атиргулларга нигоҳ ташлаган кишининг беихтиёр баҳри дили очилади. Унинг хушбўй ифоридан баҳраманд бўлсангиз, аъзойи баданингиз яйраб, кайфиятингиз кўтарилади.

Гуллар маликаси — атиргул шифобахшлик бобида ҳам бебаҳо ўсимликдир. Унинг таркибида юздан зиёд биологик фаол моддалар, В, К, С, Е сингари дармондорилар жо бўлган. Шулар туфайли, айниқса, эфир мойлари ёрдамида бош айланиши, мигрен, тиш милклари хасталикларидан, бугин оғриқла-

рида тавсия этилади. Атиргул мойининг шифобахшлиги тўғрисида буюк аллома Абу Али ибн Сино, кўҳна замон олими Геродот, ҳақим Жолинус томонидан маълумотлар битилган. Жумладан, Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобида атиргул ҳақида шундай дейилади:

«Атиргул гулбарглари қайнатиб, сиқмай

шишларга боғланса, уларни қайтаради. Атиргул ва узум шарбати қайнатилиб суртилса милкларни мустақкамлайди, қулоқ оғриғига даво бўлади. Асал билан тайёрланган гул мураббоси меъдани сусайтирмайди, жигарга ором бағишлайди, овқат ҳазм бўлишига ёрдам беради...»

Қадим замонлардан бери Шарқ халқлари табобатида атиргул дармондорилар сифатида қўлланиб келинади. Унинг гулбарглиридан мураббо, гулқанд, гулоблар тайёрланган. Гу-

лқанд сурункали ва ўткир йўтал, дармонсизлик, камқонлик, офтоб урганида, ичбуруғ каби силла қуритувчи касалликларни даволашда ишлатилади.

Қизил атиргулнинг гулбарглирида катехин, кварцетин сингари моддалар мавжуд бўлиб, меъда (ошқозон) яллиғланишида қўлланилади. Оқ атиргулнинг гулбарглири таркибидаги қатрон ҳамда шиллик моддалар борлиги билан фарқ қилади.

Мирзамир
МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.



АТИРГУЛ — ЖАННАТ ГУЛИ

ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ ТАРТИБИ

Ёғлар, сермой овқатлар, спиртли ичимликлар, ширинликлар ★

Ҳайвон ва парранда гўштлари, турли ёнғоқлар ★★

Сутли маҳсулотлар ★★★

Балиқ, сабзавот ва мевалар ★★★★★

Қотган вон, шифобахш кўкатлар ★★★★★★

Нисбатан кўп юлдузчалар билан тавсия қилинаётган овқатлар саломатлигингиз учун фойдалидир.



● Атиргул мойи ишчанликни оширади, кайфиятни кўтаради, уйқусизликда, ошқозон яраларида малҳам бўла олади, терининг турли касалликларидан, яраларда, куйганда яхши наф келтиради. ★★

● Атиргул баргидан дамланган чой юрак фаолиятини яхшилайдди. Кексаларнинг эшитиш, кўриш қобилиятини ошириш хусусияти бор. ★★

● Фарзанд кўришни хоҳлаган аёлларга оқ ва пушти атиргул шарбатлари, эркакларга эса қизил ва тўқ рангли атиргул шарбатларидан ичиш тавсия қилинган. ★★

● Оғриётган қулоққа атиргул мойидан кунига 3 маҳал 3 томчидан томизилади. ★★


● Бод хасталигида: қизил атиргулнинг 7 донна барглари 200 мл 40 фоизли спиртга солинади. Қоронғи жойда 10 кун сақланади. Сўнгра оғриган жойга суртилади ва энгил уқаланади, кейин жун рўмол билан ўраб қўйилади.

● Гулоб тайёрлаш учун атиргул япроқларини йиғиб,

салқин жойда қуритилади ва уни қора матодан тикилган халтага солиб, қоронғи жойда сақланади. Атиргул сувини тайёрлаш учун қайноқ сувга бир пиёла атиргул япроғини солиб, бир соатга яқин дамланади. ★★

● Атиргул мураббоси ўта хушбўй, лаззатли ва тотимли бўлиши билан бирга, кишига дармон бағишловчи, ҳорғинликдан ҳоли қилиб, ақлни пешловчи омил сифатида тавсия этилади. Атиргул мураббосидан эрталаб 1 қошиқ истеъмол қилиб турилса, киши аъзойи баданларини ҳар хил шамоллаш билан боғлиқ бўладиган хасталикларга нисбатан бардошлик қилади. Мураббосини чойга қўшиб истеъмол қилинса, тумовда, изтиробли йўтада фойда беради. ★★

● Атиргул баргларидан мураббо тайёрлаш учун ўсимлик гултожбарглари шонадан ажратиб олинади. Қуйи оқиш қисми қирқилиб, маҳсулот сифатида фойдаланилади. Ажратилган гулбарг қисмлари элак ёки гал-вирга солиниб, гулчанглари тўкилиб кеттунга қадар силтанади. Сўнг гулбарглари ювилиб, 5 дақиқа давомида қайнатилади. Ва силқитиб сувдан олинган, гулбарглари тезда совутилади. Гулбаргларидан ажратилган қайнатма сувлар шарбат тайёрлаш учун ишлатилади. Шарбат тайёрлаш учун 1 кг гулбаргга 1 кило-ю, 300 гр шакар, 2 литр сув, 2 гр лимон кислотаси қўшилиб, етилгунча қайнатилади.



Кабоб мазали овқат, лекин камроқ истеъмол қилган маъқул

Мархабо бозорда тижорат ишлари билан шуғулланиб, ёмон яшамасди. Эрининг ҳам топиш-тутиши яхши. Шундай бўлса-да, ўша кунги суҳбат унинг оромини ўғирлаган, тезда бойиб кетиш орзуси унга тинчлик бермасди.

ОМАДИ ЧОПМАГАН «ИШБИЛАРМОНЛАР»

Савдо сустигидан зеркиб ўтирган Мархабо ёнма-ён савдо қилаётган аёлга гап ташлади:

— Бугун негадир савдонинг мазаси йўқ.

— Нимасини айтасиз, эгачи, кун ўтарга ноилжликдан ишлаймиз-да. Баъзи бир одамлардай мўмай даромад қилолмасак.

«Мўмай даромад» сўзлари Мархабонинг диққатини ўзига тортди.

— Бошқалар ҳам биздай топишар. Ёки уларнинг пул заводи борми?

— Бор-да, айланай, бор! — ҳамсуҳбати унга маъноли ҳоқиб қошларини чимирди. — Одамлар Тошкентта наша олиб бориб сотишяпти.

Мархабонинг ороми йўқолди. У гиёҳвандлик моддасини сотиш, катта даромад олиш режасини туза бошлади. Бу фикрини биргаликда савдо қилувчи ҳамда хонадонда ижарада турувчи фарғоналик Хатирага айтди. Кўпдан буён сирдош, ҳамкор бўлиб кетган бу икки аёл бир-бирини тўғри тушунишди. Хатира ҳам майда-чуйда сотганидан кўра осонгина даромад олишни афзал деб билди.

Анча-мунча пул топишди. Мархабо 47 гугурт кутисига жойланган марихуана сотиб олиб келди.

— Йўлларда текширишди, — деб қолди Хатира сафар олдида. — Қатикнинг ичига жойласа, мелиса ҳам, исковучит ҳам тополмасмиш.

— Хавотирланманг, опа, гугурт кутилари скотчга ўралса, ҳиди чиқмай-

ди, — деганди «мол» сотган киши. Шу туфайли ҳам гугурт кутиларини икки бўлакка ажратиб скотчладим. Бир бўлагини белимга, бир бўлагини эса сонимга болаб оламан.

Хатира бунга монелик қилди:

— Ахир ўзингизни текшириб қолишса нима бўлади:

Хатиранинг йўл олдида бир оз тоби қочганди. Шу туфайли ҳам дастлаб сафардан воз кечадиган бўлди. Ўйлаб қараса, бундай қилиш тўғри келмайди, ахир, пулни у тўлаган бўлса, бунинг устига Мархабонинг эри уйда. Бегона эркак билан бир хонадонда қолиш яхши эмас. Ўзи бирга бормаса, Мархабо унга пул берармиди?!

«Нексия» ҳайдовчиси Нурулла ака чойхонадаги йўловчини бошлаб келаркан, аёллар скотчланган гугурт кутиларига жойланган марихуанани олдинги ўриндиқлар тагига жойлашга улгуришган эдилар. Йўлда бирон қорхон бўлиб қолса, жавобгарликдан қутулиш учун атайин шундай қилган эдилар.

Машина Тошкент томон йўлга чиқди. Радиодан қалбларни ром этувчи ашула таралади. Автоулов «Дарбанд» ИПХ масканига яқинлашганида аёлларнинг юраги кўркув ва ҳаяжондан гуп-гуп урарди. Улар бир-бирларига сирли қараб олишди. Аммо бу ердан силлиққина ўтиб олишди.

Уларнинг кўнгли тоғдай кўтарилди. Энди эса «Чак-чак» ИПХ масканидан ўтиб олишса бўлди.

Тошкентта етиб олишди. «Чак-чак» ИПХ масканида Қашқадарё вилояти МХХ, ИИБ ва божхона ходимлари тезкор тadbир ўтказишга эдилар.

Хатирани қаердан келатганини-ю, қаерга бораётганини суриштиришди. Мархабонинг паспорт эса уларда шубҳа уйғотди. Чунки ҳужжатидаги сурат ўзига ўхшамасди. Шу туфайли ҳам машинани кўздан кечиришга қарор қилишди. «Дик» ва «Грит» лақабли хизмат итлари гиёҳвандлик воситасини осон ҳид олади. Хизмат чоғида бир неча марта ўзини оқлаган ақлли жониворлар машина саломида белги берди. Ўриндиқлар тагига скотч билан чирмаб ташланган 188 грамм гиёҳвандлик моддаси топилди.

Йўловчилар кўзлаган манзилига ета олишмади. Пул, бойлик деб, аёллик шаънига, она деган муқаддас номга иснод келтиришди. Қора қилмишларини гоҳ ҳайдовчига, гоҳ бир-бирларига афдарлиқдан қутулиш уришишмасин, далиллар олдида айбларига иқроор бўлишдан бошқа чора тополмадилар. Мархабо Бегматова тергов чоғида опасининг паспортдан фойдаланиб юрганлигини тан олишга мажбур бўлди. Қилмишлари ошкор бўлди. Жиноят уларни тубсиз жарликка етаклади. Улар нафснинг бузуқ кўчасига киришди. Бу йўл хавф-ли ва қалтис бўлиб, бундан қутулишнинг иложи йўқ.

**Ч. НОРМУМИНОВ,
С. ОМОНТУРДИЕВ.**

ҚИДИРИЛМОҚДА


Сирдарё тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, терговдан қочиб юргани учун қидирилмоқда



Сайдулло Коразович ҚУШБОҚОВ 1982 йилда туғилган. Сирдарё тумани, Охунбобоев номи фермерлар уюшмаси ҳудудида яшаган.




Фарида Норжигитовна ТҶҲЛИЕВА. 1974 туғилган. Ховос тумани Амир Темур фермерлар уюшмаси ҳудудида яшаган.



Зокир Баҳодирович АГАЕВ. 1963 йилда туғилган. Сирдарё шаҳри М. Улугбек кўчаси 90-уйда яшаган.



Тоҳир Камолович АЛЁЕВ. 1977 туғилган. Сирдарё шаҳар Ҳамза кўчаси, 15-уйда яшаган.



Комилжон Юсупалиевич СОЛИЕВ. 1977 йилда туғилган. Сирдарё тумани, «Шоликор» фермерлар уюшмаси ҳудудида яшаган.



Одил Ибрагимович ИБРАГИМОВ. 1975 йилда туғилган. Сирдарё шаҳар, Туркистон кўчаси, 65-уйда яшаган.



Руслан Ўқтамович НОРБОЕВ. 1979 йилда туғилган. Сирдарё шаҳар, Гагарин мавзеси, 2/1 уйда яшаган.



Артур Альбертович КИМ. 1976 йилда туғилган. Сирдарё тумани Охунбобоев номи фермер хўжалигида яшаган.



Шермуҳаммад Нийёзмуммадович МУХИТДИНОВ. 1983 йилда туғилган. Сирдарё тумани, Охунбобоев номи фермер уюшмаси ҳудудида яшаган.



Нурмуҳаммад Нийёзмуммадович МУХИТДИНОВ. 1979 йилда туғилган. Сирдарё тумани, Охунбобоев номи фермерлар уюшмаси ҳудудида яшаган.



Ҳусниддин Муҳитдинович ИСАЕВ. 1982 йилда туғилган. Сирдарё тумани, «Синдаробод» фермер хўжалигида яшаган.



Жамшид Жарашевич ЖУМАЕВ. 1981 йилда туғилган. Сирдарё тумани, «Синдаробод» фермер хўжалигида яшаган.



Евгений Антонович Ли. 1974 йилда туғилган. Сирдарё шаҳри, Улугбек кўчаси 34-уйда яшаган.



Алишер Юлдашевевич ЗОИРЖОНОВ. 1975 йилда туғилган. Сирдарё тумани, Бахт шаҳри, Ойбек кўчаси, 9-уйда яшаган.



Зафар Матхатович ЗАРИПОВ. 1975 йилда туғилган. Сирдарё тумани Охунбобоев номи фермер хўжалигида яшаган.



УТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БУЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов Бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Қашқадарё вилояти ИИБ тергов бошқармаси бошлиғи лавозимида хизмат қилган истеъфодаги полковник

Улаш САИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши бошқарма ХООБ бошлиғи, полковник М. Оппоқовга волидан муҳтарамаси

ТУРДИХОН аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Фарғона шаҳар ИИБ ХООБ бўлинма бошлиғи, майор Қ. Масандовга волидан муҳтарамаси

ЮЛДУЗХОН аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ ИХХБ бўлим бошлиғи, подполковник Э. Содиковга волидан муҳтарамаси

МАЛОҲАТХОН аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник

Шавкатжон ота БОТИРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби республика ҳуқуқий дидеяи катта ўқитувчиси, майор

Халимжон ЛАЗИЗОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

Қашқадарё вилоят ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши бошқарма ахборот маркази бошлиғи, подполковник Б. Аҳмедовга онаси

МАҲКАМ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Қашқадарё вилоят ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник

Улаш САИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Транспорт ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ШТБХ бўлинмаси катта инспектори, майор Г. Умаровага турмуш ўртоғи

Баҳодир УМАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

МАРХУМЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИГА АЛЛОҲ САБР БЕРСИН!

Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёхуд Сирдарё тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.

ФАКУЛТЕТИ



Қўшиқ

Олисдаги маҳмадана, эски олчоқ,
Менга қадам ташламоқни ўргатмагин!
Узинга боқ, кейин майли ногора қоқ,
Менга қандай яшамоқни ўргатмагин!
Тинчлик дея юрак-бағри куйик эл бу,
Яратганинг қошида энг суюк эл бу!
Ўтмиши ҳам, эртаси ҳам буюк эл бу,
Менга қандай яшамоқни ўргатмагин!
Дала-даштлар ўз-ўзидан эрам бўлмас,
Лекин сендан беминнат бир карам бўлмас,
Ўзбек эли ҳеч кимсага қарам бўлмас,
Менга қандай яшамоқни ўргатмагин!
Китобингда даҳоларим сўзлари бор,
Деворингда боболарим излари бор,
Ўзбек элини эту тирноқ дўстлари бор,
Менга қандай яшамоқни ўргатмагин!
Ялтираган ҳамма нарса эмас тилла,
Хайфдир сенга нақибанддан қолган салла,
Эй худони танимаган чаламулла,
Менга қандай яшамоқни ўргатмагин!
Ҳали баланд доволарга от қўядирман,
Керак бўлса осмонларга от қўядирман,
Лоқайдлигу подопликка ўт қўядирман,
Менга қандай яшамоқни ўргатмагин сен!
Нақорат:
Агар жаннат кўкда бўлса, устидадир
Ўзбекистон,
Агар жаннат ерда бўлса, устидадир
Ўзбекистон!
Иқбол МИРЗО

ВАТЛАН

Бобом кезган сахро, қўллари — Ватан
Отамнинг қорамой қўллари — Ватан.
Босиб ўтган умрим йўллари — Ватан,
Энди фарзандимни қўллагин, Ватан.
Қуёшли юрт бўлиб, кўрмаган қуёш,
Дарёлар бўйида ичгани кўз ёш.
Қиличлар кесса-да эгилмаган бош,
Энди зардобларга тўлмагин, Ватан.
Неча Қодирийси қирқда сўлса-да,
Усмонларин умри хазон бўлса-да,
Чўлпонларин кўкси қонга тўлса-да,
«Эрк» деган умиди ўлмаган Ватан.
Қонга ғарқ ёшингни артди истиқлол,
Кучоқ очди сенга нури истиқбол.
Лаб очган гунчадек кулмоқда иқбол,
Тенглар ичра ҳеч кам бўлмагин, Ватан.
Ушалиб минг йиллик орзуни армон,
Олис манзилларга йўл олган карвон.
Нурафишон кунларга бошласин сарбон,
Машаққатли йўлда толмагин, Ватан.
Тенглар ичра ҳеч кам бўлмагин, Ватан!
Темир ҚУРБОН.

Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмуни ва равиш-баранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш ниятидамыз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга кўнгирок қилини!

Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Соат 9.00дан 21.00гача

Газетамиз саҳифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми?

Марҳамат!

Мурожаат учун телефонлар: 139-73-88
139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@globalnet.uz

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Абдуфаттоҳ кечаги ичкиликдан боши тарс ёрилгудек бўлиб ўтирарди. Шу пайт ёнига 6 яшар ўғли Абдусаттор келди-да, эрқаланиб савол устига савол ёғдира кетди:

— Дадажон, ёмғирнинг ҳамма сувини бир жойга тўпласа қанча бўлади?

Абдуфаттоҳ ўғлига қаради-ю афтини бужмайтирди. Абдусаттор серсаволлигини қўймасди:

— Дадажон, дарахт нега ҳозир гуллайдими, қишдамас?

Абдуфаттоҳ ўғлига газаб билан қараб бир шапалоқ урди ва тўнғиллади:

— Йўқол, бошимни қотирма. Шундоғам бош оғриққа юз грамм топишнинг эвини қилолмай ўтирибман.

Абдусаттор киприкларини пирпиратиб, лабларини буриб йиғлаб юборди. Онаси Салима хоннинг юраги эзилиб, боласини бағрига босди. Бемехр отанинг қилиғидан бўзига тикилган кўз ёшларини ичига ютди. Эри парво қилмади. Шу тариқа бола отасидан бирор ширин сўз эшитмади.

Ота ўғлининг кўз ўнгида улфатлари билан маишатини қўймас, онда-сонда бегона аёлларни ҳам етаклаб келарди.

Орадан йиллар ўтди. Абдуфаттоҳ ичкилик таъсирида ёшига нисбатан тез қариди. Ана шу кезларда ўғли маст-аласт келадиган, отасидан пул талаб қилиб, ҳақоратлайдиган бўлди. Пул топилмаган кезларда уйдаги кўзга кўринган буюмларни сотарди. Отаси бир-икки насиҳат қилмоқчи бўлганди, ўғли истеҳзоли таъна қилди:

— Хей, бо-бой, ёшлигимда ёмғир сувларини тўпласа қанча бўлишини, дарахтлар нега қишда гулламаслигини билмасдим.

Энди биламан, ёмғир сувларини тўпласа, бир шиша ароқ бўлади. Дарахт қишда гулламаслигига сабаб танасига муз кираркан. Менинг ҳам вужудим музлаган. Насиҳатингиз бошқаларга сийлов, ҳозир ароққа пул топинг, тиланчилик қилсангиз ҳам.

Абдуфаттоҳ ўғлининг қалби-га бу разолат уруғларини ўзи сочганини англаб етди. Аммо энди гишт қолипдан кўчганди.

Нуриддин САИДОВ,
катта лейтенант.

БИР ШАПАЛОҚ ФОЖИАСИ

Ичиб олгач, муштипар онасини ҳақоратлар, дўппосларди. Бундан боланинг дили оғрир, дадасига қарши боришга кучи етмасди.

Бола ана шу муҳитда катта бўлди. Мурғак қалбида ҳаётдан қониқмаслик, кимгадир зуғум ўтказиш иллатлари илди этди, кўча болаларига қўшилиб ароқ ичадиган, чекадиган бўлди. Онанинг охи кўкка ўрларди. Афсус, бу нолалар бола ўша 6 ёшида еган шапалоқчалик таъсир қилмасди.

АХЛОҚ-ОДОБГА ОИД ҲАДИСЛАР

- Кимки ўз жаҳлу газабини қайтарса, Тангри ундан ўз азобини қайтаради. Кимки одамларни гийбат қилишдан тилини тийса, Тангри ҳам унинг айбу нуқсонларини фож қилмайди.
- Кимки ўзини катта тутиб, юриш-туришида кибру-ҳаволи бўлса, охиратда Тангрининг газабига дучор бўлур.
- Ўзи билимсиз бўла туриб, турли низо ва муҳокама ишларида қатнашиб юрадиган одам то бу ишдан қайтмагунча Тангрининг газабида бўлур.
- Кимнинг хулқи ёмон бўлса, у ўзини азобга гирифтор қиладди. Кимнинг ташвиши кўпайса, бутун танаси дард торгади. Кимки одамлар билан жанжаллашишга одат қилса, обрўси ва муруватидан ажралиб қолади.
- Кимки бойини мақсадида одамлардан тамагирлик қилса, демак жаҳаннам ўтидан ўзи учун насиба тайёрлаган бўлади. Уни кўпайтириш ёки озайтириш қанчалик тама қилишга боғлиқдир.
- Одамларнинг сирларини билиб олиб, ташмачилик қилувчи чақимчининг насли пок эканлиги шубҳалидир.
- Бировларга зарар етказувчи одамнинг зарарини тангри ўзига қайтарур, бировларга қийинчилик келтирувчи одамнинг ҳам бошига машаққатли кунларни солур.
- Кимки бировнинг бирор айбини топиб устидан кулган бўлса, ўзи ҳам шу айбга муфта-ло бўлмагунча дунёдан ўтмайди.
- Кимки хиёнат қилгучи бўлса, у аҳли исломдан эмас.
- Бировни яхши йўлга бошлаб қўйган одамга ҳам ўша йўлга тушиб кетган одам олаётганчалик савоб ёзилиб борур.
- Қайси бир кимсага Тангри яхшиликни раво кўрса, унинг диний ва ҳуқуқшунослик илмларига моҳир қилиб қўяди ва унга тўғри йўлни илҳом қилиб туради.
- Мўмин киши соддадил, сахий бўлади, фосих одам ҳийлакор, маккор ва бахил бўлади.
- Ҳақиқий мўминнинг қўлидан ҳам, тилидан ҳам мўминлар озор топмайдилар.
- Тилини бефойда сўзлардан тийиб олмагунча киши имоннинг ҳаловати қандай бўлишини сезмайди.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Bosh muharrir
Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinbosari
Murod TILLAYEV
Mas'ul kotib Erkin SATTOROV

Navbatchi: **Sadriddin Shamsiddinov**
Sahifalovchilar: **Zokir Boltayev**
Nikita Slavgorodskiy
Matn ko'chiruvchi: **Gulnora Sodiqova**

Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart.
Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.
Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.
Kelgusi sonda uchrashguncha xayrl!

MANZILIMIZ:
700029, Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60;
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001, MFO
00421. «I'pak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat bankinging
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-
matbaa ijodiy uyi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Alisher
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2411. Bosilish - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma taboq. 55941 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.